



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
2 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 2**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 2**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 49 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Нафосат Мадаминова ЁШ АВЛЮДНИНГ ҲАЁТГА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	7
2. Рапаева Варно Ваҳодировна OILAVIY QADRIYATLARNING FARZAND TARBIYASIDAGI ANAMIYATI	8
3. Мавлянова Чамангул Болтаевна МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИКНИ АНГЛАБ	9
4. Мустафаев Жафар Шомирзаевич ЖАДИДЧИЛИК ВА УЛАРНИНГ МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ	11
5. Шодиев Фаррух Рауфович ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ	13
6. Elova Nargiza Muxiddinovna KITOV-MA'NAVIYAT KO'ZGUSIDIR.....	15
7. Атакулов Мавлонбек, Ашуров Шахбоз МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ – КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ	18
8. Ачилова Гулчехра ЗА МИР НУЖНО БОРОТЬСЯ.....	21
9. Дотқаева Шахноза Нормаматовна АҲОЛИ ОНГИДА СОҒЛОМ ФИКРЛАРНИ СИНГДИРИШДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ	23
10. Сотволдиев Абдулазиз ЭЪТИҚОД ВА ЖИСМОНИЙ КОМИЛЛИК	25
11. Astanaqulova Shahriniso Suyunovna YOSHLAR XALQIMIZ, DAVLATIMIZ KELAJAGI	27
12. Astanaqulova Shahriniso Suyunovna ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА	29
13. Islamova Gavharxon Ismailovna «НАҲОТНИНГ О‘ЗИ ТАҚҚАЗО ҚИЛАЙОТГАН INNOVATION METODLAR»	32
14. Jumanazarova Sayyora Ismoilovna VATAN FARZANDLARI, YURTNING KELAJAGI	34
15. Алимова Наргиза Рустам кизи ИБТИДОИЙ ДАВР САНЪАТИДА АЁЛ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	35
16. Гайратова Турсунной Шухратовна СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА ТАРБИЯЛАШ	37
17. Юлдашева Дилрабо, Эралиева Нигора ТРАКТАТ АВИЦЕННЫ «О ЛЮБВИ» – УНИКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ.....	38
18. Саидова Шоира Бахтияровна УЗБЕКИСТАН- УДИВИТЕЛЬНАЯ СТРАНА	40
19. Саодатова Зумрад Садыковна УЗБЕКСКИЕ ТРАДИЦИИ	41
20. Алимов Сардор Комил ўғли МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ	42
21. Xolmurodov Bahodir Samarqand, Qodirova Shahodat KITOV- MA'NAVIYAT XAZINASIDIR	45
22. Сабиров Тулибай МАКТАБДА О‘QUVCHI YOSHLARGA MILLIY URF-ODATLARIMIZ VA QADRIYATLARIMIZNI SINGDIRISH.....	47
23. Uzoqova Feruza Oqbo‘tayevna ILM-MA'RIFATNING BUGUNGI KUNDAGI O'RNI.....	48



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАЁТГА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Нафосат Мадаминаова
Хоразм вилояти Гурлан тумани 6-ИДУМ
тарих фани ўқитувчиси ўқитувчиси
Телефон: +998942356443 nafosatmadaminova87mail.ru

Аннотация: Мақолада фалсафий қарашларга эга бўлган прогрессив инсон жамиятнинг замон талаб даражасида ўзгаришига ва ривожланишига замин бўлади. Бу жараённинг амалга ошишида фалсафий қонунларга риоя қилиш, ёшларнинг ҳаётга, илм-фанга бўлган фалсафий дунёқарашини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб ҳисоблади.

Калит сўзлар: фалсафа, борлик, онг, ёшлар, ҳаёт, фан-тараққиёт.

Маълумки, фалсафанинг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий борлик ва ижтимоий онг ўртасидаги диалектик муносабатларни янада ривожлантириш, айниқса ёш авлод онгида уни шакллантиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, ижтимоий борлик ва ижтимоий онг фалсафий қонунларга асосан доимо ўзгаришда ва ривожланишда бўлади. Бу процесс жамият, ҳаётнинг моддий ва маънавий томонларини у ёки бу даражада мувофиқлаштириб ва мўътадиллаштириб туради. Ижтимоий онг жамият салоҳияти даражасини, сиёсий потенциалини, ҳатто цивилизациясини белгилаб берувчи фалсафий категориядир.

Ижтимоий ҳаётни инсон талаб даражасида моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу жарённи таъминловчи бош омил - юксак истеъдод ва фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсондир. Демак, жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланишини таъминлаш учун ёш авлоднинг ижтимоий онг даражасини шакллантириш зарур бўлади. Ёш авлоднинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳаётга фалсафий қарашларини такомиллаштиришга нафақат давлат, балки жамоатчилик, оила ва жамият, таълим-тарбия муассасалари, маҳалла ва етук инсонлар маъсулдирлар. Албатта бу жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг негизида самарали таълим-тарбия ва малакали назарий, амалий билим ётади.

Ҳозирги даврда инсон ҳаётини, давлатнинг нуфузини, шу жумладан цивилизациясини илм-фан тараққиётисиз ва бунёдкорлик ишларисиз тасаввур қила олмаймиз. Бошқача қилиб айтганда фалсафий дунёқарашсиз ёки ҳар қандай масалага фалсафий мантиқсиз ёндашиб бўлмайди. Шу мақсадда фалсафий дунёқараш ҳамма вақт илғор, замонавий билим билан ўзаро алоқада бўлмоғи, доимо унинг ижобий ютуғига таяниб, такомиллашиб бориши зарур. Бу ҳолат биринчидан шахснинг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний, ақлий, маънавий жиҳатдан камол топишига, ҳақиқат ва адолатнинг ижтимоий шаклда юзага чиқишига замин яратади. Иккинчидан, ҳаётга фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш тараққиётга ундайди, чунки тараққиёт фалсафий қонуниниятлардан биридир, тасодифий ҳолат эмас, ёхуд зарурриятдан келиб чиққан илм-фан ютуғига асосланган онгнинг маҳсулидир.

Биламиз, табиат азалий ва абадийдир. Унинг қонунлари ўзгариб туради. Инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг вазифаси уни ўз вақтида англаб олиш ва ўзининг, жамиятнинг кўзлаган туб мақсадлари учун йўналтиришидан иборат.

Маънавий ва ижтимоий ҳаётда ана шу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ёш авлодга етарлича билим керак бўлади. Ёшларимиз қанчалик фалсафий дунёқараш туйғули билимга таянсагина камол топади, кўзлаган мақсадига эришади ва халқнинг ишончини қозонади. Фақат фалсафий билим инсонни, жумладан ёш авлодни озод ва улуғвор қилади, чунки эгалланган билимдан кудратлироқ куч йўқ.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Основы философии. Ответ. редак. М.Ахмедова. Т.204.
2. Falsafa T., "Sharq". 1999.
3. Falsafa. Ma'ruzalar matni . T., "O'zbekiston".



OILAVIY QADRIYATLARNING FARZAND TARBIYASIDAGI AHAMIYATI

Panayeva Barno Bahodirovna.

Xorazm viloyati, yangiariq tumani, 36-son maktab o'qituvchisi.

Telefon: +(99) 058 80 21

Annotatsiya: Ushbu maqolada farzandlar tarbiyasida maktab, mahalla va oilaviy qadriyatlarining ahamiyati haqida fikr mulohazalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Oila, maktab, mahalla, qadriyatlar, Yusub Hos Hojib, barkamol shaxs.

Oila, mahalla, ta'lim muassasalari –bularning barchasi farzand tarbiyasida katta ahamiyatga ega. Zero bir bolaga –yetti mahalla ota-ona degan naql bejizga aytilmagan. Chunki farzandlarimiz –vatanimizning kelajagi hisoblanadi. Oilada yoshlarga e'tiborsizlik ma'lum bir darajada ota-onalarga borib taqaladi .Chunki bolani nazoratsiz qoldirish bilimsizlikni avj olishiga sharoit yaratib beradi. Har bir oilada farzandlarga kattalarni hurmat, kichiklarga izzatda bo'lishni yoshlik davridan singdirib borish lozim. Buning uchun esa ko'proq mutoala bilan band bo'lish, mumtoz adabiyotlar, jahon adabiyotlar na'munalaridan mutoala qilib, fikrlash doirasini o'stirib borish lozim. Farzand har bir oilaning ko'zgusi hisoblanadi. Ota-onaning or-nomusi, el orasida tutgan mavqei, hurmat va e'tibori farzandlarining tarbiyasi bilan o'lchanadi. Agar farzand noqobil bo'lib ulg'aysa, nafaqat oilasiga, balki butun avlodiga isnod keltiradi. Agar bolajonlarimiz aqlli, zehqli, tartib–intizomli bo'lib ulg'ayishsa, ham ota-onaning, ham oilaning faxridir. Buning uchun oilada sog'lom muhit shakllanishi kerak, ota-ona bir-biriga mehribon, dunyoviy ilmlarga ega bo'lgan barkamol va yetuk shaxslar bo'lishi kerak.

Shunday sharoitda voyaga yetgan farzandlar ham kelajagimiz ravnaqi uchun jonbozlik ko'rsatuvchi, fidoiy yigit –qizlar bo'lib yetishadilar. Demak ota-ona-san'atkor, bola esa san'at asari tarbiya jarayoni esa san'atning o'zidir. Maktab –tarbiya maskani. Darhaqiqat, o'qituvchi yosh avlodga ta'lim va tarbiya beruvchi buyuk zot. O'quvchining darslarda faol qatnashishi, fanlarni yaxshi o'zlashtirishi faqat sinfdan emas, maktab jamoasi orasida ham namunali va o'rnak olsa arziydigan a'lochi o'quvchi bo'lib tanilishi o'qituvchi mehnatining maxsulidir.

Bunday sharoitda oila va maktab hamkorligida ish olib borishi tarbiya jarayonini samarali usulidir. Agar maktabda bir tomonlama ta'lim berilsa, tarbiya jarayoni oqsoqlashib boradi. Shuning uchun oilada ota-onalar farzandlariga mehnatga muhabbat, oila a'zolariga do'stona munosabatini singdirish zarur. Oilada “Mehnat mehnatning tagi – rohat “degan shior har narsadan ustun bo'lishi kerak. Shundagina bolajonlar mehnatdan topilgan pul qadrli ekanligini bilib oladilar va ota-ona, kattalarni hurmatini o'z joyiga qo'yadilar. Buning uchun esa har doim oila, mahalla, maktab chambarchas bir-biriga bog'liq bo'lib qolishi zarur.

Zero, Yusuf Xos Xojibning ta'kidlashicha: “Har bir kishi jamiyatga munosib bo'lib kamol topmog'i kerak. Buning uchun tug'ilgan kundan boshlab zarur tarbiyani olmog'i zarur. “Darhaqiqat, farzand tarbiyasi nihoyatda erta boshlash darkor. Shundagina ularning noo'rin xatti–harakatlariga berilishining oldi olinadi. Shuning uchun ham insonga boshqa jonzotlardan farqli o'laroq 4 ta xislat berilgan: aql, ilm, tafakkur va so'zlashish. Inson bu xislatlarga ega bo'lishi bilan dunyoning gultoji hisoblanadi. Yoshlarning ta'lim – tarbiyasi barcha zamonlarda ham dolzarb masala bo'lib kelmoqda. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev bugungi kunda yoshlarimizga alohida e'tibor berib kelmoqda. Bunga misol qilib esa yoshlarimizga o'qish va mehnat qilish borasida barcha shart-sharoitlar yaratilmoqda. Farzandlarimiz esa mana shu g'amxo'rliklarga munosib say-harakatda bo'lishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Ta'lim va tarbiyaga texnologik yondashuvning pedagogik asoslari” Ismoilov . O.A. Nazarov .Sh. Q Toshkent-2012
2. “Pedagogika Nazariyasi” X. Ibragimov. Sh. Abdullayeva Toshkent-2008



МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИКНИ АНГЛАБ

*Мавлянова Чамангул Болтаевна
Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги
30-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси
97-275-49-82*

Аннотация: Ушбу мақолада инсонга тегишли бўлган эзгулик, масъулият ва дахлдорлик тушунчаларининг мазмуни ва уларни шакллантирилишининг инсон ва жамият тараққиёти учун аҳамияти лўнда изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: ген, инстинкт, эзгулик, бурч, масъулият, дахлдорлик, рационализм, сцентизм, антисцентизм, онг, ақл, тафаккур, билим, маърифат, инсон қалби, руҳият, маънавият ва ҳ.зо.

Ҳар бир наботот тури ҳам униб-ўсиши давомида қуёшга интилиши, гуллаб яшнаши, ривожланиши, шу асно авлодлар давомийлигини сақлаб қолишга уриниши фанда уларнинг “ген”и билан изоҳланади. Бироқ, юқоридаги ҳолатларни “инстинкт” ҳамда “ген” тушунчалари билан изоҳлаш бир ёқлама. Аслида бу ҳам ўз тури ва наслини, авлодлар давомийлигини сақлаб қолиш учун бир интилиш, уларга нисбатан дахлдорлик эмасми? Инсонда шундай “инстинкт”лар, яъни эзгулик, бурчга садоқат, масъулият ҳисси, “ген” орқали мутлоқ шаклланиб қолмайди. “Ҳар бир жонзот тури ўзига хос яшаш инстинкти билан дунёга келади, бу унинг айрича имконияти, яшаш ва ривожланишнинг таянч омили, ...Одам инстинкти – онги ҳамда ақл-идроки саналади”.

Демак, инсон зоти юқоридаги каби онгли, ақл-идрокли экан, унинг эзгуликка ошнолиги, билимли, маърифатли, кенг дунёқарашли, фалсафий мушоҳадали, том маънода дахлдорлик ҳисси билан яшамаслиги мумкин эмас. Аммо, аксарият икки оёқли мавжудотлар одам саналмагани каби, ақл-идрок самарасининг барчаси ҳам эзгуликка йўғрилмаган. Инсон, ҳазрати инсон мақомида бўла туриб, баъзан ҳайвонларнинг ўзаро меҳри пойида паст, тубандир. ...Инсоннинг вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватларга берилиб, бу йўлда ўз инсонлигини йўқотиб, ахлоқ доирасига бўйсунмаса, балки бундай инсонга ажабланиш керак” Яъни, ақл вужуд ва руҳни мунаввар этиб, одамийликни сақлаб, шахс фаолиятини ахлоқ доирасидаги эзгулик билан қувватлантириши зарур.

“Эзгулик – ҳаёт ва инсонни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган илмий билим, ғоя ва амалдир. Ёвузлик эса, аксинча, ҳаёт ва инсонни барбод қиладиган фикр ва амалиётдир”. Ушбу фикр жуда ўринли ва асосли. Лекин, илмий билим, юксак тафаккур ва ғоялар орқали яратилган қурол-аслаҳалар, атом, водород бомбалари, баллистик ракеталар “амалиёт”да эзгуликка хизмат қилмаганлиги инсон омилининг ғаразли жиҳатларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам тарихий тараққиёт давомида шаклланган барча таълимот вакиллари, инсон омили, ақл-тафаккури асосида шаклланган илм-фанни биринчи поғонага кўйган.

Рационализм ва сцентизм таълимоти тарафдорлари барча мезонларда онг ва ақлни бирламчи восита деб, инсоният тафаккурини юқори поғонага кўтариб, унинг ривожланиши фақат фойда олиб келади, деб таъкидладилар. Уларга қарши ўлароқ, антисцентистлар инсон онги ва тафаккурининг бундай суръатда ўсиши ва ривожланиши айнан инсон омили орқали умумсайёравий кулфатлар олиб келишини, бу ўринда инсон омили ўзининг халокати учун хизмат қилишини таъкидлаб ўтадилар.

Ғарб таълимоти вакиллари онг, ақл, тафаккур, билим, маърифат ҳақида бонг уришади-ю, инсон қалби, унинг руҳияти, маънавиятини эътибордан четда қолдирадилар. Бу билан ҳаётда онг, ақл, тафаккур, билим муҳим эмас, деган фикрдан йироқмиз. Уларнинг ижтимоий аҳамияти юқори эканлиги шубҳасиз. Бироқ, дахлдорлик туйғусининг шаклланиши, унинг шахс фаолиятида намоён бўлиши, онг, ақл, тафаккур, билим, маърифат билан бир қаторда, қалб, руҳият, маънавият тушунчалари билан узвий ва ҳамоҳанг олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

“Ғарб илми ютуқлари Шарқнинг инсон маънавиятини эъзозловчи дунёқараши билан уйғунлаштирилса, илм-фан вайронкорликка эмас, балки, дунёда тинчлик, тараққиёт ва инсоният баркамоллигини таъминлашга хизмат қилган бўлур эди”.



Ҳаёт давомида онг, ақлий тафаккур, руҳият, маънавият ўзаро узвийликда ва уйғунликда ривожлантириб борилса, мақсадга мувофиқдир. Маълумки, бутун тадрижий тарих давомида инсоният онги, фикрлаши ақлий салоҳияти негизида ҳосил бўлган дунёқараши мавжудотлар ичра аълоси бўлиб келган. Шундай экан, бугунги ривожланган ахборот, технологик тараққиёт динамикаси, информацион ва мафкуравий мунозаралар даврида шахснинг интеллект асосида фаолият юритишига талаб янада юқоридир. “Берилган неъматлар орасинда ақлдан азиз ва қимматли неъмат йўқдур. ... Ва бу ақлни нурландирмак ва орттирмак учун ўқумақ, ёзмақ, илму маърифат ҳосил қилмак керак”. Яъни, ҳар бир киши неъматларнинг улуғи бўлган ўз ақлий салоҳиятини янада такомиллаштириши, доимий ривожлантириши, илму маърифат билан суғориши учун ўз устида мунтазам ишлаши ҳамда ҳосил бўлган реал имкониятларини инсониятнинг аниқ-конкрет истиқболи, жамият раванқи йўлида масъулияти ва дахлдорлик туйғусини ҳис қилган ҳолда ҳаёт фаолиятида намоён этиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Павлов И. Создано человечеством. – Москва.: 1964 г, - С.111.
2. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Т.: “Фан”, 1959 й, - Б.175.
3. Артаманов С. Литература древнего мира. – Москва.: 1985 г, - С 5.
4. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – Москва.: “Издательство политической литературы”, 1989 г, - С.454.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилдлик, 2-жилд – Т.: “Маънавият”, 1998 й. – Б.10.



ЖАДИДЧИЛИК ВА УЛАРНИНГ МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ

Мустафаев Жафар Шомирзаевич
Самарқанд иқтисодий ва сервис
институтини ўқитувчиси
Телефон: +99897. 394-48-89
E-mail: mustafayevj@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада истиқлол йилларида аждоодларимизни ижтимоий-фалсафий мероси, ёшлар тарбиясида тутган ўрни, аҳамияти ҳамда миллий маънавият ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, миллий гуруҳ, ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғулари ҳақидаги фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: жадиदчилик, маърифатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллат, қадр-қиммат, ижтимоий-сиёсий онг, маърифат.

Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар барча соҳалар каби таълим, фан ва маданият, миллий кадриятлар, аждоодлар меросини ўрганиш каби кенг қамровли ҳаракатларни ҳам ўз ичига олган. Юртбошимиз ўз маъруза, чиқишларида, китобларида, суҳбатларида фидойи аждоодларимиз, ватанпарвар боболаримиз, яъни жадидларимиз ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун ўрнак, уларни истиқлол, маърифатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтадилар. Шунингдек, фидойи жадидларимизнинг босиб ўтган кураш йўлини, қолдирган улкан меросини чуқур ўрганиш зарур, дея даъват этиб келаётганлари барчамизга аёнди. Биринчи Президентимизнинг 1993 йил 6 майда, яъни мамлакат Олий Кенгашининг XII сессиясида мавзумиз моҳиятидан келиб чиқувчи қуйидаги фикрни илгари сурган эди: «Эндиги вазифа, - боболаримизнинг паймол этилган орзу-умидлари ҳаққи авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг беллашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир».¹

Ушбу жумлалар шуни кўрсатиб турибдики, «...боболаримизнинг паймон этилган орзу-умидлари ҳаққи...» тушунчаларини фақат маълумот учун эмас, балки, истиқлолга эришилгунга қадар жафокаш халқимизнинг не-не асл фарзандлари Туркистон хуррияти йўлида мардона курашганликлари, она юрт озодлиги учун фидойилик кўрсатганликлари чуқур миннатдорчилик билан эътироф этилибгина қолмай, авлодларимизга ҳада қилинажак мерос ҳам шунга монанд - бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистон бўлмоғи кераклиги масъулият-ифтихор билан таъкидланмоқда.

Боболаримизнинг орзу-умидлари энг кўп даражада поймол этилган даврлар эса она юртимизнинг ажнабийлар томонидан истило этилиб, халқ ва миллатнинг табиий, моддий бойликларидан ташқари миллий-маънавий кадриятлари ҳам босқинчилар инон-ихтиёрида қолган машъум йиллардир. Бу истилоларнинг энг сўнгиси бугунги умидбахш кунларимиздан қарийб 140 йил бурун бошланиб, совет ҳокимияти аталмиш мустабид тузум емирилган 1991 йилга қадар давом этдики, биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг орзу-умидлари поймол этилган боболар хусусидаги фикри асосли равишда шу даврни ёдга солади. Бу даврда, филология фанлари доктори, профессор Б.Қосимов то-пиб таъкидлаганидек, «Олдин оқ империя, кейин қизил империя билан курашишга тўғри келди. Ватаннинг шахидлар қони тўқилмаган бирор қарич ери қолмади».²

Дарҳақиқат, бугунги истиқлол зиналаридан туриб XIX аср охири - XX аср бошларига назар ташлар эканмиз, Туркистондаги ёрқин тафаккур соҳиблари учун Миллат ва Маърифат, Ватан ва Хуррият тушунчаларининг ҳал қилувчи аҳамият касб эта борганини, ҳаёт-мамонт масаласига айланган-нини ҳис этамиз. Бунинг сабаби шу эдики, аввало кўп асрлар ҳукм сурган феодал тарғиботлари, сўнгра чор Россия ҳукуматининг ашаддий мустамлакачилик сиёсати оқибатида зулм ва зулматга дучор этилган, илм ва техникага, янги замонавий муносабатларга интилиши буғиб ташланган, исёнкорлик руҳи сингдирил-

¹ Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олин Кенгашида сузланган нутқ. // «Ханк, сузи». 1993, 7 май.

² Косимов Б. Жадидчилик. Айрим мулоҳазалар. // «Ёшлик» журнаани. 1990, 7-сон, 73-бет.



ган халқнинг миллий ҳамда ижтимоий онгини уйғотиш, миллат ҳар бир вакилини забуну ночорлик ҳиссидан йироқлаштириб, истилочиларга қарши курашчига айлантириш зарурати тўғилганди. Ана шу тарихий-сиёсий, ижтимоий-маънавий вазиятнинг эҳтиёжи ҳамда маҳсули сифатида Туркистонда жади́дчилик ҳаракати ва мафқураси юзага келди.

Жади́дчилик ҳаракатига Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий ва Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхоновдек миллат оталари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етакчилик қилган бўлсалар, Бухорода Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Тошкентда Абдулла Авлоний ва Саидрасул Азизий, Абдулла Кодирий ва Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тулаган Хўжамёров - Тавалло, Самарқандда Сиддикий Ажзий ва Абдулқодир Шақурий, Хожи Муъин ва Саидризо Ализода, Наманганда Исхокхон Ибрат ва Мухаммадшариф Сўфизода, Фарғона водийсида Абдулхамид Чўлпон ва Хамза Ҳакимзода, Хоразмда Бобоохун Салимов ва Полвонниёз Хожи Юсупов сингари маданий, ижтимоий, сиёсий онг сарварлари жўшқин фаолият кўрсатишди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов уларни «... зулм ва зўровонликка қурилган мустабид, бешафкат тузум даврида ўзлигини, миллат кадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган»¹ ақл-заковат соҳиблари, дея таърифлади.

Албатта, эл-юрт тақдирида бекиёс аҳамият касб этган бу улкан сиймоларнинг ҳаёт-фаолияти, мақсад-муддаоси шуру мафқураси ҳукмронлик қилган етмиш йил мобайнида нуқул қинғир кўзгу орқали кўрсатиб келинди. Чунки, Президентимиз тасдиқлаганидек, бу даврда «...тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас, ҳукмрон мафқура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сакланарди. Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик...»².

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жади́дчилик ҳаракати намоёндалари, Ўзбекистон зами-нида яшаб ўтган аждодларимизнинг келажак авлод ҳақидаги қарашлари, илм-фан, маърифат ва маънавият, таълимни ривожлантириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳозирги дарвда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Иккинчидан, Самарқанд зами-нида қалам тебратган кўплаб зиёлилар қатори Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ватанпарвар бир фуқаро сифатида ўз юртини келажagini фақат илм-фанни, маърифатни ривожланти-риш орқали кўра олди. Учинчидан, жади́дчилик ҳаракати ва уларнинг маънавий мероси мустақилликни мустаҳкамлашда долзарб методологик манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ - / Адолатли жамият сари. -Т., «Ўзбекистон», 1998, 33-бет.
2. Каримов И. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан. // «Халқ сўзи», 2000, 13 май.
3. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида сўзлаган нутқ. // «Халқ сўзи». 1993, 7 май.
4. Қосимов Б. Жади́дчилик. Айрим мулоҳазалар. // «Ёшлик» журнали. 1990, 7-сон, 73-бет.

¹ Каримов И. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўз-ланган нутқидан. // «Халқ сўзи», 2000, 13 май.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ,- / Адолатли жамият сари. -Т., «Ўзбекистон», 1998, 33-бет.



ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ

Шодиев Фарруҳ Рауфович
Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги
3-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси
farrux_shodiyev@list.ru 99-479-37-87

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар онги ва қалбида оммавий маданият тушунчасининг фақат салбий жиҳатларини эмас, балки ижобий қирраларини ҳам анъанавийлик, замонавийлик, намунавийлик, миллийлик негизида уйғунлашган таълим методлари ёндашиб тушунтириш кераклиги қисқача изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: ахлоқийлик, маънавий етуклик, руҳий соғломлик, ақлий тафаккур, индивидуал сифатлар, анъанавийлик, намунавийлик, замонавийлик, миллийлик, оммавий маданият, урф-одат, маросимлар, ва ҳ.зо.

Ёш авлод қалбида ахлоқийлик, маънавий етуклик, руҳий соғломлик ўз-ўзидан вужудга келиб қолмай, бу жиҳатлар бевосита таълим - тарбия орқали шакллантирилиб, ақлий тафаккур ва индивидуал сифатлар таъсирида юзага чиқади. “Инсоннинг буюклиги ва бебаҳолиги, унинг ақл идрок ва тафаккур соҳиби эканлигида, айнан шу шуурий қудрат барча воқеа – ҳодисалар замиридаги туб моҳиятларни англаш калитидир” (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг).

Бугун юртимизда таълим тизимига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳам мазмунлироқ эътибор қаратилаётган экан, биз бу борада анъанавийлик, намунавийлик, замонавийлик, миллийлик, методларини ижтимоий муҳитдаги таълим-тарбия тизимларининг барча бўғинларига янада кенг жалб қилиш, уларни бир-бири билан янада уйғунлаштиришимиз лозим. Бунда, аждодлар меросига ҳурмат ва уларнинг келажак авлодга етказилишидаги масъулият, миллий – маънавий қадриятларнинг софлигича, асл ҳолатда сақланиши, миллий - маънавий қадриятларга замонавийлик бахш этилиб, янги, қудратли ғоялар ва назарияларнинг қўшилиши оқибатида янги қадриятлар, лозим бўлса, маданий, маънавий мероснинг шаклланишига эришиш керак.

Биз ҳозирги кунда ёшларимиз онгига “оммавий маданият” тушунчасини аксар ҳолда фақатгина салбий жиҳатларига тўхталиб, фарзандларимизга ҳам уни салбий эканлигини уқтиришга одатланиб қолдик. Аслида у қўштирноқсиз ёзилади ва ижобий мазмун-моҳият касб этадиган воқеликнинг ижтимоий ҳодисасидир. Шундай экан, ёшлар учун турли хил педагогик-психологик тадбирлар, урф-одатлар, маросимлар, қадриятларни доимий тарғиб этилиши, сайллар, турли мазмундаги форумларнинг ташкил этилиши, байрамларнинг нишонланиши оммавий маданиятнинг ижобий жиҳатларини акс эттиради. Бундай маданият намуналари ҳар бир инсонда ахлоқий ҳис-туйғуларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шахснинг маънавий қиёфаси белгиланиши, унинг ижтимоий фаоллашувига албатта таъсир кўрсатади. Зеро, қалбида, онгу-шуурида, юрагида маънавий-ахлоқий хусусиятлар жўш урган фуқаролари бўлган миллат ва жамиятнинг тарихи, ўтмиши, бугуни, келажаги, тинчлиги, фаровонлиги, урф-одатлари, маросимлари, анъаналари, қадриятлари, ёшлар камолотида уларнинг оқил, фозил бўлиб вояга етишларида асосий омил вазифасини ўтаб беради.

“Ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз ўрни ва ёндашувини белгилаб олишга ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён – атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш” (Самуэль Хантингтон. Столкновение цивилизаций) – бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Шарқ ҳикоятларида келтирилишича, Саъдий худди гулдек, бир муаттар ва ёқимли хидли гилни кўриб Шайх ундан сўрабди - ...Эй гил!...Сен гулмисан анбармисан? Гулдек хид таратишинг мени маст қилди.

Гил: - Эй Саъдий! ...Гул ҳам, анбар ҳам эмасман. Балки тупроқларнинг-да энг хокисориман. Мен гул билан ошно бўлган эдим, шу гулнинг хушбўй хиди кўксимга ёйилди. Мендаги хушбўй хид ўша гулнинг хидидир. Йўқса, мен оддий бир гил – тупроқман, холос, - деди (Муҳаммад Камол. Ҳикматлар ва ибратлар). Ушбу ҳикоятдан ҳикмат шуки, Саъ-



дий гилнинг гулдек ҳид таратиши, гул билан ошнолиги сабабидандир, дея инсонга гўзал тарзда ахлоқий, маънавий ибрат сабоғини тақдим этмоқда. Ҳар ким, аввало, гўзал хулқ-атворга эга кишилар билан ҳамроҳ ва дўст бўлмоғи лозим. Чунки, улардаги гўзал феъл-атвор ҳамда ахлоқий, маънавий фазилатлар бошқаларга албатта, гул ифор таратгани сингари эзгуликлар сари интилиш ҳиссини тақдим этади. Оқил ва фозил кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ, мушк-анбар дўконидан нарса харид қилса, қилмаса ҳам ундаги нафис ифорлар либос ва вужудга сингиб қолгани сингари, оқиллар фазилати инсон қалби ва руҳиятига малҳамдек юқади ва ёқади.

Ёмон феълли кимсалар билан бирга бўлиш эса, бадбўй ҳидли дўкон(дорихона)га ўхшайди, бадбўй ҳид кишининг таъби ва вужудига салбий таъсир этгани сингари ёмонларнинг иллатлари ҳам ўз асоратини юктириши хатарлидир. Демак, ҳар бир ёш авлод жамият ҳаётидаги воқеликлар таъсирида шаклланар экан, ўз атрофидаги кишиларнинг маънавий кифасига ҳаққоний ва холис баҳо бериб, яхши феъллилар билан бирга, ёмон феъллилардан эса йироқ бўлишга ҳаракат қилиши талаб этилади. Оқибат ёвуз мақсадли гуруҳ, оқим ва манфур кишиларга алданиб, ўзи ва яқинларини изтиробга солиб, гўзал ва бахтли тарзда кечиши мумкин бўлган маънили ҳаётини издан чиқишига сабаб бўлмаслиги лозим. Пировардида, ўз ҳаёти ва режаларини ижобий ташкил этиб, таълим-тарбияни тўғри эгаллаб, яқинлари, жамият ҳамда умумхалқ фаровонлиги ва равнақи йўлида ахлоқий етуклик, маънавий баркамоллик, руҳий соғломлик ҳиссини туйиб яшамоқликлари учун барчамиз бирдек масъуллигимизни унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Камол. Ҳикматлар ва ибратлар. – Т.: “Истиқлол”, 2005 й.
2. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Т.: 1990 й.
3. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и преобразование мирового порядка // Новая постиндустриальная волна на Западе: Антология.



КИТОВ-МА'NAVIYAT KO'ZGUSIDIR

Elova Nargiza Muxiddinova
Toshkent viloyati Angren shahar 4-umumta'lim maktabi
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqola maktab o'quvchilarini mustaqil mutolaaga qiziqtirish asosida va ularni mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirib borish, milliy ma'naviyat hamda umuminsoniy g'oyalarni singdirish orqali yuksak ma'naviyatli yoshlarni tarbiyalash xususida ayrim tavsiyalar haqida

Kalit so'zlar: mustaqil mutolaa, bilim, erkin fikrlash, maqsadli yoritish, tarbiya, yosh avlod, komillik, vatan kelajagi.

Yoshlikda olingan bilim- toshga o'yilgan naqsh. Darhaqiqat, farzandlarimizga kichik yoshdanoq puxta bilim olishlari, shaxs sifatida shakllanib, o'zlarini jamiyatda munosib o'rnini topish uchun o'zining mustaqil fikriga ega, yer yuzidagi o'z tengqurlaridan qolishmaydigan yuksak salohiyatli avlodni tarbiyalashda kitob mutolaasining o'rnini beqiyos.

Kitobga mehr dastlab uni asrash, ehtiyotlash va oila davrasida uni tinglashdan boshlanadi. Zero kitobning javonda turgani emas o'qilgani-uqilgani foydalidir! Maktab o'quvchilarini mutolaaga muhabbatini qanday uyg'otish mumkin?

Boshlang'ich sinflarda o'tiladigan tarbiyaviy soat va sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari va tarbiya bilan bog'liq darslarda o'quvchilarni kitobxonlikka qisman yo'naltirish mumkin. Bunda o'tiladigan mavzuni o'qituvchi avvaldan bilib, bu mavzuni mazmunini kengroq yoritishga xizmat qiluvchi asarni tanlaydi. Uni o'quvchi yoki o'qituvchi o'rganib chiqadi va darsda taqdimotini o'tkazadi. O'quvchilar mavzuni mutolaaning mazmuni bilan bog'lab xulosa qilishadi. Mavzu yuzasidan kerakli xulosaga o'quvchilarni o'qituvchi savollar orqali yetaklaydi. Shu orqali mavzu ham yoritiladi, o'quvchilar kitob mazmuni haqida ham tushunchaga ega bo'ladilar. Agar kitob mazmuniga mos holda sahna ko'rinishlari yoki o'zgacha usulda yondashib qiziqtirilsa o'quvchilar bu kitobning davomini o'zlarining shaxsiy tashabbusiga ko'ra davom ettirishlari mumkin bo'ladi. Shunday kichik tadbir orqali ham o'quvchilarni mustaqil mutolaaga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga erishish mumkin.

Har bir darsda bir asarni maqsadli yoritish biroz qiyinchilik tug'dirishi mumkindir ammo, yil davomida o'tiladigan mavzularni o'quv yilining boshlanishiga qadar pedagog tomonidan ko'rib chiqiladi va o'quvchilarga (kichik sinflarda ertak, hikoya, masal) mavzu yoki yo'nalishlar berilsa, vaqti-vaqti bilan ularni ishlari nazorat qilinib va bu ishni ularda ishtiyoq bilan bajarishga motivatsiya hosil qilinsa bas, ular o'zlari mustaqil izlanishlari va har biri o'zgacha taqdimot haqida yondashsa ularni kasbga yo'naltirish va o'quvchining bo'sh vaqtini mazmunli tashkil qilishga erishish mumkin bo'ladi. Yoki o'qituvchining o'zi bu kabi darslarni tashkillashtirish uchun albatta bitta asarni to'liq yoritishi emas, balki asarning u ayni darsni mavzusiga mos qismini tanlashi buni yoritib berish orqali ham mavzuning maqsadini yoritib tushuntirishga erishish mumkin bo'ladi. Har ikki holda ham, kitobni necha bet o'qilishidan qat'iy nazar maqsad o'quvchini to'g'ri fikrlashga o'rgatish, har bir holatni hayot bilan bog'lab, mavjud muammolarga yechimlar izlanib, javoblar tinglanadi. Eng to'g'ri xulosalar yuqori baholanishi orqali o'quvchini muammoni oldidindan ko'rib, unga duch kelmasdanoq bartaraf qilishga erishishga o'rgatishdir.

Bunda salbiy va ijobiy obrazlarni farqlash, nima sababdan asar shunday yakunlandi?

Siz shu qahramonni o'rnida bo'lganingizda nima qilgan bo'lardingiz? Nima uchun shunday qilish kerak? Buning insonlarga, jamiyatga qanday foydasi bor, u qanchalik muhim? kabi savollarga javob berishga o'rgatish orqali kitobxonlarda mustaqil fikrlash, tahlilchilik qobiliyati hamda ijtimoiy faollikni oshirish, hayotiy vaziyatlarda qo'llay olish ko'nikmalarini shakllantirib borilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Ayrim mavzular yuzasidan namunalar keltirib o'tamiz:

Mavzu: Do'st tutmoq zikrida

Kaykovus "Qobusnoma" Toshkent 2017, 146, 150-betlar

Dastlab o'qituvchi o'quvchilarning mavzu yuzasidan fikrlarini aniqlab, ular bu xususida qanchalik ma'lumotga ega ekanliklarini bilgach, so'ngra o'zlari uchun qulay bo'lgan usulni tanlagan holda mavzuni tushuntirishi mumkin bo'ladi.



Ey farzand, bilg‘ilki, to kishi tirikdur, do‘stsiz bo‘lmasdir. Kishining do‘stsiz bo‘lg‘onidin birodarsiz bo‘lg‘oni yaxshidir.”Bir hakimdan so‘rdilar:Do‘st yaxshiroqdurmu yo birodar?”Hakim aytdi:”Do‘st bo‘lsa yaxshidir.Ya‘ni do‘st –haqiqiy, bizni to‘g‘ri yo‘lga boshlovchi inson, birodar-biror maqsad ilinjidagi kishi.

Do‘stlarni hamisha qo‘llab-quvvatlash va ularni yod etish, yo‘qlab turish orqali rishtalarni mustahkamlab borish mumkinligi, aks holda inson o‘zi yolg‘iz qolib ketishini misollar orqali tushuntirib o‘tish mumkin.

Hamma vaqt do‘st tutmoqlikni odat qilg‘il, lekin har vaqt yangi do‘st topsang, ko‘hna do‘stlarni tark etmag‘il, toki hamisha do‘sting ko‘p bo‘lsin, yaxshi do‘st kishiga ulug‘ ganjdur.

Do‘stlarni do‘stlari ham do‘stlaringdur.Ehtimolki, uning o‘sha odang‘a do‘stligi sening do‘stligingdan ko‘proqdur.Agar do‘sting dushmaningni sevsan, bunday do‘stdan ehtiyot bo‘l. Sening do‘stingga dushman bo‘lg‘on do‘stdan ham parhez qil.

Bilg‘ilki, jahonda aybsiz odam bo‘lmas, ammo sen salohiyatlig‘, muruvvatlig‘ bo‘l, bundaylarning aybi kam bo‘lur.muruvvatsiz, fazilatsiz kishini do‘st tutmag‘ilki, bunday kishining xosiyati bo‘lmas, ular non do‘stidurlar, or va nomus do‘sti emaslar.

Yaxshi va yomon odamni bilg‘il, ikkoviga ham do‘stlik qil.Yaxshilarga ko‘ngil bila va yomonlarga‘a til bila do‘stlig‘ qilg‘il.Bir vaqt bo‘lurki kishining hojati zarurat yuzasidan yomonlarga‘a ham tushg‘usidir.DEmak bu ikki toifaning ham do‘stlig‘in hosil qilg‘il.

Aqlsiz odamlar bila hargiz do‘st bo‘lmas, chunki aqlsiz do‘st shundog‘ ish qilurki aqlli dushman ui qila olmas.

Odamlar ikki guruh bo‘lurlar:biri-do‘stlarning haqin zoye‘ qiluvchi va biri yaxshilikni yaxshi bilg‘uvchi.

Bilg‘ilki do‘stlikka loyiq odamni ikki narsadan bilsa bo‘lur:biri ulki-do‘stiga‘a tangling‘ yetishg‘on vaqt daqudrati yetguncha molini do‘stidan darig‘ tutmas, biri ulki do‘stidan keyin ham uning do‘stlari va arindoshlariga‘a yaxshilik qilg‘ay.

Odamlar bila do‘stlig‘ing o‘ratacha bo‘lsun.Do‘stim ko‘p deb barchasiga‘a umid bila ko‘ngil bog‘lamag‘il, ilgari va keying‘a qarag‘il.

Agar do‘stingni ko‘ngli hech gunohsiz sendin qolsa, uni qaytib kelurg‘a mash‘ul bo‘lmas, nedinkim ta‘magir, kekchi do‘stdan yiroq bo‘lg‘il, uning do‘stligi haqiqiy emasdir, balki tama‘ uchundir.

Shu kabi tavsiyalarnireal holatlar ko‘rinishida aks ettirish orqali o‘quvchilarga tushuntirish, haqiqiy do‘stlik haqida ko‘proq tushunchaga ega bo‘ladilar.

O‘sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasida eng muhim jihatlardan biri odob –axloq haqidagi mavzuga to‘xtalib o‘tsak:4-sinf tarbiyaviy soat darsidagi “Odobli bo‘lish osonmi? mavzusi reja bo‘yicha fevral oyiga t‘o‘g‘ri keladi.Shunga asosan bu oyda tug‘ilgan so‘z mulkingning sultoni bo‘lgan Navoiy bobomizning “Xamsa” asarining 1- dostoni “Hayrat-ul abror”(Yaxshi kishilarning hayratlanishi)dan foydalangan holda mavzuni mazmunini o‘quvchilarga to‘liq va noadatiy ya‘ni o‘quvchilar uchun yangi usullardan, ta‘limiy o‘yinlardan foydalanib, bolaning ham darsga qiziqishini oshishiga shu bilan bir qatorda bilim samaradorligining yuqori bo‘lishiga erishish mumkin.

1- maqolat:unga ko‘ra Olloh insonni har narsadan ulug‘ va har kimdan yaqin tutgan bir mavjudot, tabiatning ham jamiyatning ham gultojidir.Bunda inson o‘z iymon e‘tiqodiga ega bo‘lmog‘i kerakligi haqida so‘z boradi.Buni asarda keltirilgan voqealar bilan boyitish.

2-bob.Ustozlar ta‘rifiga bag‘ishlangan so‘z va undagi ma‘no haqida.So‘ngra shohlarni amallariga munosabatini bildiradi.”Tangri seni saltanat osmoniga chiqarib qo‘ygan ekan, (bu orqali) o‘z qudratini namoyish qilyapti.U senga vazifalar topshirgan”

1-vazifa:Ollahning bergan ne‘matiga shukr qilmoq;

2-vazifa:xalqni xurram tutmoq, haqqini haqlab bermoq, asramoq;

3-vazifa:U senga omonat berilgan.Omonatga xiyonat haqida suhbat o‘tkazish.

4-vazifa:Pushaymonlik kunini ham o‘yla.Beayb Parvardigor, ayb ish qildingmi, tavba ham qil.

5-maqolat Karam haqida Karamning ma‘nosi keng, U mehr-marhamat ko‘rsatish, saxiylik haqida Ya‘ni saxiylik insondagi fazilatlarining eng ulug‘i, baxillik eng tubani ekanligini uqtirish.Har narsani uvoli borligini, ortiqcha saxiylik ham baxillik ekanligini uqtirish.Bunday kishini saxiy deb bo‘lmasligini, u Quyoshga yordam beray deb kunduzi sham yoqadigan odamga o‘xshashini, o‘z suvini qurib yotgan bog‘ga qo‘ymasdan tog‘- u toshga olib borib quyishdan naf yo‘qligini, saxiylik muhtojgagina qilinsa maqsadga muvofiqligini uqtirish.



Garchi Navoiyning ushbu soʻzlari yarim asr avval toj-taxt uchun kurashayotgan shahzodalarga qarata aytilgan boʻlsa-da, har bir davrda har bir inson uchun ahamiyatli ekanini hayotiy dalillar orqali tushuntirish. Nafaqat podshoh, har bir inson oʻzida yaxshi fazilatlarni shakllantirib borishi uni komillikka yetaklashiga dalil ekanini oʻquvchi ongiga singdirish.

Shuni unutmashlik joizki, kitob oʻqiydigan bolalar kun kelib fikrlaydigan kattalarga aylanishadi. Vatanimiz kelajagi yosh avlod qoʻlida ekan, bogʻimizda unayotgan navnihollarni koʻrkam, serhosil, umrboqiy ezguliklarga qodir ulkan daraxtlarga aylanishida oʻz hissamizni qoʻshaylik!

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. I.A.Karimov. "Yuksak ma, naviyat yengilmas kuch" asari Toshkent "Ma'naviyat" 2016
2. A.Navoiy "Xamsa" dostoni "Hayrat-ul abror" Yangi asr avlodi 2016
3. Kaykovus "Qobusnoma" O'qituvchi, Toshkent -2017



МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ – КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

Атакулов Мавлонбек

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Термиз филиали ўқитувчиси. worldstudent@mail.ru

Тел: +998977743796

Ашууров Шаҳбоз

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Термиз филиали талабаси

Аннотация: Мақолада ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – миллий манфаат масаласи бўлиб, у ушбу изланишда таҳлил қилинган. Миллий манфаат масаласи ўзига хос кўринишда қадимдан мавжуд бўлиб келганлиги, кеча ҳам, бугун ҳам ушбу масала ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Миллий манфаат масаласи жамият ривожини билан такомиллашиб, ижтимоий манфаатлар даражасига чиққанлиги, хамиша ҳам бу масала рисоладагидай ҳал қилинмаганлиги қайд қилиб ўтилган. Миллий манфаатларнинг адолатли ҳал қилиниши жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади. Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳал қилишнинг хусусиятларидан бири сифатида миллатлар аро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласи тадқиқотда баён этилган чунки, Ўзбекистон нафақат кўп миллатли, балки кўп динли мамлакатлар сарасига киради. Шу нуқтаи назардан миллий манфаатларни кўп миллатлар, турли динлар ўртасида уйғунлаштириш учун алоҳида ўзига хос сиёсат юритишни талаб қилади.

Калит сўзлар: миллат, миллийлик, манфаат, жамият тараққиёти, дунёқараш, ахлоқ, фуқаро, барқарорлик, қадрият, инсон

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин юртимизда демократик, инсонпарвар, фаровон, эркин давлат қуришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилаб олди. Мана шу вазифадан келиб чиқиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни кенг қамровли, улғувор жараён деб баҳолайди.

Дарҳақиқат, бу жараён ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олади. Аммо у аввало инсонлар қиришадиган ўзаро муносабатлар, алоқалар тизимига тегишлидир. Инсон, оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, давлат-булар ўртасидаги муносабатлар доимо фуқаро ва давлат ўртасидаги алоқаларда янада аниқроқ намоён бўлади. Уларнинг замирида ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ётганлигини англаш қийин эмас. Агар биз одамларнинг биргаликдаги муносабатларини бинога қиёс қилсак, ҳар бир инсоннинг манфаатлари шу бинога қўйилган ғиштларга ўхшайди. Алоҳида ғиштлардан улкан бино бунёд бўлгани каби, ҳар бир инсон манфаатларидан ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва уларни боғлаб турувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар барпо бўлади. Одамларимизнинг бир-бирига муштарак боғлайдиган асос бўлиб эса манфаатлар уйғунлиги хизмат қилади. Барчамизнинг бугунги ҳаётимизни эркинлаштириш соҳасидаги вазифалар ҳақида фикр юритар экан, биринчи Президентимиз “жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур”, деб қайд қилган эдилар. Бу эса манфаатлар масаласидир. Манфаат – бирон-бир нарсага жалб этилиш даражаси, ундаги иштирок, қизиқиш билдириш, мойилликдир. Моддий жиҳатдан манфаат- фойда унум билан боғлиқ (шу маънода “ўз манфаатларига эга бўлиш” деган ибора ишлатилди). Бирор-бир нарсага, ҳодисага қизиқиши бўлган одам манфаатдор шахс дейилади. Агар бу доимийлик хусусиятига эга бўлса, у манфаатли шахсга айланади.

“Фалсафа. Қомусий луғат” китобида қайд этилишича: “Миллий манфаат-миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси маънавий салоҳият, руҳияти, анъана ва қадриятлар тизимидир.”

Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар билан бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижтимоий тизимга, муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади.



Улар муайян миллат ва халққа мансуб алоҳида кишилар ёки бирор-бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода у умумий манфаатлар мажмуасидир.

Манфаатлар халқлар орасидаги ҳар қандай фаолиятдаги кураш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида ётади. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволини инъикос этар экан, у миллий тараққиёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Миллий манфаатнинг намоён бўлишида унинг умминсоний манфаатлар билан уйғунликка эришишига ёрдам берувчи ижтимоий механизмда умумбашарий кадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик билан бутун дунёдаги инсоният тараққиёт йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Манфаатга даҳлдор нарса- бу инсонларда қизиқиш уйғотувчи нарсалар, воқеалардир. Улар инсонларнинг амалий, қундалик эҳтиёжлари учун аҳамиятга эга. Шунга кўра моддий ва маънавий, умумий ва хусусий манфаатлар тўғрисида сўз юритиш мумкин. Агарда жамиятга беғараз хизмат қилиш шахсий фойда билан уйғунлашса, соғлом манфаат туғилади. Сиёсий маънодаги манфаат ҳам мавжуд бўлиб, у давлатнинг ўз чегараларидаги ва ундан ташқаридаги даҳлдорлигини англатади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, манфаатлар доимо бир-бири билан мувофиқ келавермайди. Зеро, одамларнинг ўз ўзини англашлари турли тарзда кечади. Инсон ўз эҳтиёжу манфаатларини ҳис этиши орқали ўзи учун зарур йўналишни топа олади. Шунда у ўз манфаатларини ижтимоий ҳамкорлик йўлида бошқалар манфаатлари билан уйғунлаштиришга уринади. Донолар шунинг учун бежизга “Ўзингни англаб ет!” дейишмаган.

Ижтимоий барқарорлик қоидаларини ҳаётга жорий этишда манфаатлар ўртасидаги уйғунликка алоҳида эътибор бериш ўринли. Бунга адолат асосида эришилади. Аммо бу масалада бир жиҳатга эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Гап шундаки, ҳаётда тақдирга кўра омадлироқ бўлган гуруҳлар ўз ижтимоий мавқеларини сақлаб қолишга, бошқа гуруҳлар эса иложи борича ўзларининг имкониятларини яхшилашга уринадилар. Шу ҳолатда зиддият келиб чиқиши мумкин. Айнан мана шу зиддиятларни қонун асосида ва демократик йўл билан ҳал қилиш ижтимоий барқарорликка хизмат қилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Тошкент шаҳрининг Шайхантоҳур тумани, Андижон вилояти ҳамда Республикамиз имом-хатибларининг йиғилишида ёт ғояларга алданиб ёки онгли кириб қолган фуқаролар билан ишлаш зарур эканлигини алоҳида қайд қилдилар. Уларни душман ҳисоблаб эътиборсиз қолдирсак бўлмайди. Уларнинг тавба қилганларига, хатосини англаб олганларга мамлакатимиз фуқароси сифатида ёрдам беришимиз зарур. Аксинча, мақсадимизни тушунишни хоҳламайдиганларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаришимиз зарур, деб қайд қилдилар. Маълумки, ҳар бир инсон ўзи учун жамиятда мақбул ва қулай бўлган имкониятларни қўлга киритишга уринади. Худди шундай ҳатти ҳаракатларни бошқа бир индивид, соддароқ айтганда оддий киши ҳам содир этади. Оқибатда ҳатти-ҳаракатлар зид келади. Шунинг учун жамиятда барча учун баробар “ўйин қоидалари” ёки умумий талаблар бўлиши зарур. Эркинлик, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган ана шундай талаблар шароитида ҳар ким тенг имкониятлар шароитида “старт” олади ва кейинчалик ўз қобилияти, меҳнати, сармояси ва ҳаракатига яраша жамиятда ўз ўрнини топади.

Чунки, биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугун биз тарихий даврда- халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз”.

Лекин реал ижтимоий ҳаётда бошқалар манфаатидан ажралиб қолган худбин манфаатлар ҳам борки, улар ўз моҳиятига кўра умумий манфаатларга зид бўлади. Шу маънода манфаатларни мувозанатлаштириш муаммоси юзага қалқиб чиқади. Унга шахсий манфаатларни ўзаро мувофиқлаштириш йирикларига майда-чуйдаларини, истиқболли манфаатларга қисқа муддатли манфаатларни буйсундириш, улар ўртасидаги тўқнашувни



рағбатлантириш эмас, аксинча, уйғун ҳолатга келтириш йўли билангина эришиш мумкин. Бу ўринда нафақат шахсий фойдани, балки, ҳаётда учрайдиган ташвиш ва қийнчиликларни ҳам баробар тақсимлаш кўникмаларига эришиш зарур. Доно халқимиз бежизга “Ҳаммага келган тўй” деб айтмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004 й. 267-бет.
2. И.А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 105-бет.
3. Қуронов Муҳаммад. Эзгу ғоялар рўёби. – Т.: “Маънавият”, 2011, 102-103-б.
4. “Халқ сўзи”, 2011 йил 1 сентябрь.
5. “Каримов. И Буюк келажак сари. Асарлар тўплами” – Т.: “Ўзбекистон” 1998, 447-б.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 59-б.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 61-б.



ЗА МИР НУЖНО БОРОТЬСЯ

Ачилова Гулчехра

*Учитель русского языка общеобразовательной
школы №17 города Чирчика Ташкентской области.*

Аннотация: Возрождение духовных ценностей мы рассматриваем как процесс роста национального самосознания, возвращающего нас к духовным истокам народа. Возрождение духа узбекского народа представляет собой явление, неразрывно связанное с общечеловеческими идеалами.

Ключевые слова: Незабываемый день, память, мужество, самоотверженность, победа, мир, герои, Родина, фронт, счастье

9 Мая. Этот день в нашей стране объявлен днём Памяти и Почестей. Нет праздника дороже, чем День памяти и Почестей. Каждая весна возвращает нас в тот незабываемый день- 9 мая 1945 года. В этот день, 9 мая, когда деревья одеваются в зелень и распускаются весенние, люди идут к памятникам и обелискам. Они несут цветы высеченным из камня бойцам и их матерям. Кажется, что все цветы земли лежат сегодня у памятников тем, кто ценой жизни сохранил для нас мир, счастье, независимость.

Казалось бы, что вспоминать нам, рождённым в конце XX века? Ведь мы не знаем войн: ни Второй мировой, ни Афганской. Да, мы не знаем войны, но в наших семьях, в наших домах, на наших улицах живут свидетели тех страшных событий. Это наши деды и прадеды, наши отцы. И мы знаем о войне по их рассказам, их письмам, пожелтевшим от времени, по фотографиям, фильмам и песням, звучащим с экранов телевизоров. 1941 год. Фашизм шагает по планете, захватывая одну страну за другой. Люди поднялись на борьбу с немецкими захватчиками. И совсем неважно было, какой ты национальности: русский, узбек, татарин, белорус, киргиз... Люди сражались с фашизмом, это была святая война.

Далеко от фронта находился наш родной Узбекистан. А сколько славных сынов он отправил защищать мир от фашистской чумы! Имена многих из них вписаны золотыми буквами в историю нашей страны. Более ста наших соотечественников награждены золотой Звездой Героя. Разве назвать всех героев? Ведь многие так и не вернулись и остались неизвестными. Но о подвигах, совершенных ими, знают живые. И в этом- залог бессмертия всех, кто пал на поле битвы во имя счастья нашей Отчизны! Пусть каждый молодой человек вдумается в судьбы Героев, научится у них мужеству, самоотверженности, горячей любви к Родине, оценит и достойно продолжат славу тех, кто шёл в бой за то, чтобы вечно цвела жизнь.

С началом Второй мировой войны народное хозяйство республики было перестроено на военный лад. В Узбекистан было эвакуировано около 100 промышленных предприятий из прифронтовых районов, в том числе 48 предприятий тяжёлой промышленности, где в основном работали женщины, старики и дети, десятки военных и гражданских учебных заведений, госпиталей, научных учреждений. С Узбекистана отправились на войну около 1 миллиона 951 человек, 200 тысяч солдат и офицеров были награждены государственными наградами. В наш край были эвакуированы 1 миллион 500 тысяч человек, из них больше 250 тысяч детей. Узбекистан принял многих осиротевших детей разных национальностей. Их приняли и воспитали как своих собственных детей.

Каждый живущий считает своим священным долгом отдать дань уважения погибшим героям. В этот день радость и печаль, кажется идут рядом. Радуемся, потому что живём в мирное время, учимся, работаем. Печаль- за утрату близких и родных, за тех, кто не вернулся с войны.

В школы, клубы, дворцы культуры приходят ветераны войны, чтобы рассказать о героических военных буднях. В этот день звучат песни, созданные в годы войны, в которых передана вся глубина человеческих чувств и переживаний.

Указом Президента 9 мая было объявлено Днём Памяти и Почестей. В этот день не забыт ни один ветеран, ни один человек, внёсший вклад в победу над фашизмом, не пожалевший сил и самой жизни во имя независимости Родины. Каждому из них оказываются уважение и почести.



Узбекский народ не забыл предков и героев и хранит их в своих сердцах, в своей памяти как немеркнущую святыню.

«Нет войне!» - эти слова должны стать главными в нашей жизни. Ведь только, живя в мире и согласии, мы можем учиться, любить и быть любимыми.

Использованная литература:

1. Газета «Ишонч» 2020 год, 25 июня, №69
2. Газета «Халк сузи» 2020 год, 25 июня, №133
3. Русский Язык, З.Р.Джураева, Издательство «Шарк», 2001 год.



АҲОЛИ ОНГИДА СОҒЛОМ ФИКРЛАРНИ СИНГДИРИШДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ.

Дотқаева Шахноза Нормаматовна.
Қарши туман 10-ўрта таълим мактаб ўқитувчиси.
ibrohimjo'raev2001@gmail.com
+998(90) 517-12-34.

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун-қарорлар, 5 та муҳим ташаббус, узлуксиз маънавий тарбия концепцияси доирасида амалий фаолият юритишкелтириб ўтилган. Тарғибот–ташвиқот ишларини ташкил этишда маҳалла тизими етакчи ўрин эгаллаши, маҳаллаларда зиёлилар, олимлар иштирокида олиб бориладиган давра суҳбатлари, тарғибот ишларини оила муҳитида олиб борилиши, аҳолини техникадан фойдалана олиш саводхонлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Тарғибот-ташвиқот, ислохот, концепция, модернизация, мотивация.

Мавзунинг долзаблиги: Ўзбекистон-улкан табиий заҳиралар, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой мамлакат. Аммо Яратганнинг ўзи ато этган яна бир бебаҳо бойлигимиз борки, у ҳам бўлса халқимизнинг беқиёс интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир [1].

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бир қатор қонунлар, қарорлар ва концепсиялар қабул қилиниб келинмоқда. Жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган шахслар жамиятда олиб борилаётган ислохотлар, янгиликлар ва модернизация жараёнларидан доимий равишда хабардор бўлиб борадилар ва ўзлари ҳам бу жараённинг бевосита иштирокчисидирлар. Қабул қилинаётган қонунлар ва концепсияларни амалда ижросини таъминлаш учун эса барча фуқоролар бирдек маъсулдирлар.

Жамиятимиздаги бу каби ислохотларни қабул қилинаётган қонун ва қарорларни таълим билан қамраб олинмаган, ёки давлат ташкилотларида фаолият юритмайдиган, ва доимий равишда ишсиз юрган аҳоли қатламлари орасига тарғиб этиб борилиши бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки фуқороларда ҳам ислохотларга нисбатан дахилдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз [2].

Мавзунинг мақсади: Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали усуларини ташкил этиш орқали мамлакатимизда турли соҳаларга оид олиб бориладиган ислохотлардан аҳолини хабардор этиб боришва уларнинг онгида соғлом фикрларни шакллантиришдан иборат.

Тарғиботнинг энг самарали усуларидан бири халқ ичига фаол кириб бориш яъни аҳоли билан юзма-юз бевосита суҳбатлар олиб бориш лозим. Давра суҳбатларига халқ ишончини оқлаган олимлар, зиёлилар, меҳнат фахриларини таклиф этиб- аҳолига жамиятимиздаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг амалдаги ижроси хусусида маълумотлар берилиб фикр алмашилиши ўринлидир. Суҳбат давомида ёши улугъ зиёлиларни маҳалла ахлига берадиган панд-насихатлари, оқилона ўғитлари инсонларга соғлом фикрни шакллантиради, уларда жамият ривожини учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша олишларига мотивация уйғотади.

Тарғибот-ташвиқот ишларини оила муҳитида олиб борилиши ҳам ўз натижасини беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги 1059-сон қарори Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида оилавий тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, “ маҳалла, оилаларда ота- оналар ва болалар маънавий тарбиявий муносабатларини таҳлил этиш асосида “**Намунавий оилавий тарбия муҳити**” мезонларини белглаш ва шу асосида маҳалла, туман, шаҳар, ҳудудлар ва республика танловларини ўтказиш” лозимлиги белгилаб қўйилгандир.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт [3]. Ҳозирда жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш кишиларни янада фаол бўлишга ундайди. Бу ташаббуснинг учинчи йўналиши- аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер техника-



логиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилганлиги ҳам айнан аҳолининг барча қатламлари вакиллари бу воситалардан фойдаланишга ундайди ва техникани бугунги кунда ҳаётимиздаги ўрни нақадар муҳим эканлигини англаб етишларига туртки бўлади.

Хулоса: ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли орасида тарғибот- ташвиқот ишларини самарали усуллари ташкил этилиши кишиларда соғлом фикрларни шакиллантириб, жамиятимизда олиб бориладиган ислохотларга нисбатан ижобий ёндашишни таъминлайди. Соғлом ва мустақил фикрга бўлган инсон жамиятга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ш. Мирзиёев. Тошкент 2016 й.

2. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўз. Рес. Президенти Ш. Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар.

Тошкент-2019 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси .2020 й.

4. Ўзлуксиз маънавий тарбия концепсияси. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 31-декабрдаги 1059-сон қарори.



ЭЪТИҚОД ВА ЖИСМОНИЙ КОМИЛЛИК

Сотволдиев Абдулазиз
14-умумий ўрта таълим мактаби
жисмоний тарбия фани ўқитувчиси
Фаргона вилояти Риштон тумани

Аннотация: Баъзи эътиқодли ёки тақводор юртдошларимиз фарзандларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига моънелик қилаётганининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Ушбу мақола орқали жисмоний комилликка эришмай туриб эътиқодни мустаҳкамлаш мушкул вазифа эканлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Калит сўзлар: эътиқод, жисмоний маданият, Муҳаммад пайғамбар, Имом Бухорий, камондан отиш, қадимги олимпиада ўйинлари, жисмоний комиллик.

Инсоният пайдо бўлибди-ки, комилликка интилиб келган. Яшаш учун кураш, озуқа топиш, атроф оламни англашга бўлган эҳтиёжлар уларнинг фикр доирасининг кенгайишига ва жисмоний имкониятларининг ошишига туртки бўлган. Бу бирданга вужудга келадиган жараён эмас. Вақт ўтиб турли қарашлар ва эътиқодлар юзага келди. Шу билан бирга жисмоний маданият жамиятнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди.

Эътиқод ва жисмоний маданиятни бир бирига боғловчи нуқта қайси жиҳатларда кўринади?

Авалло эътиқод ва жисмоний маданият тушунчаларига тўхталиб ўтсак.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эътиқод: ишонч, ишониш, кўнгилда тасдиқлаш, имон, маслак тушунчалари билан изоҳланган. Эътиқод биз учун имон, инсофу диёнат, адолату маърифат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ғоялари, бир сўз билан айтганда, юксак инсоний фазилатлар мажмуасидир.

Жисмоний маданият – жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, услублар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан имкон қадар тўғри фойдаланиш бўйича эришилган ютуқларнинг мажмуи.

Жисмоний маданият – бутун бир халқ бойлиги, мулкидир ва шахснинг ҳар томонлама баркамоллигини таъминловчи мажбурий шартидир. Демак шахс жисмоний маданиятга эришмай туриб комил инсон бўла олмайди.

...Милоддан аввалги 776- йилдан бошлаб Афинада қадимги олимпиада ўйинлари ўтказила бошланган эди. Бу ўйинлар юнон худоларидан бири Зевс шарафига бағишланган бўлиб, диний байрамлар вақтида ўтказилганлиги тарихдан маълум. Демак дастлабки спорт ўйинларини эътиқод билан боғлиқ бўлган деб айта оламиз. Гарчи Христиан динининг вужудга келиши ва таъсир доирасининг кенгайиши натижасида 394- йилга келиб бу ўйинлар тўхтатилган бўлсада, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тақиқланмаган, аксинча улар ривожланиб борган. Рим императори Феодосий –I ушбу олимпия ўйинларини ғайридинларнинг ўйинлари бўлганлиги учунгина тақиқлаган эди. Кейинчалик 1896 йилга келиб франциялик барон Пеър де-Кубертен ташаббуси билан бу ўйинлар қайта тикланди ва ҳар тўрт йилда ўтказиб келинмоқда.

Ислом дини жисмоний камолотга эришиш, жисмоний машқлар билан шуғулланишга қандай қарайди? Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бу тўғрида қилган ишларига ва ҳадисларига қисман тўхтаймиз. Билкиз Аладдин қаламига мансуб “Муҳаммад пайғамбар қиссаси” асарида Мадина шахрининг ривожланиб бориши билан боғлиқ маълумотлар берилиб, жумладан шундай сўз келтирилади: “Жисмоний тарбия ва ҳарбий машқларга қизиқиш ортади. Камондан ўқ узиш бўйича доимий мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга совринни Муҳаммаднинг ўзи топширади”..... Шундай ҳадислар бор. “От пойга қилиш жоиздир”, “Ўқ отиш яхши ўйиндир”, “Курашда йиқитишга кучи етган кучли эмас, ғазоби келганда ўзини босишга кучи етган кучлидир”.

Аскарликка керак бўладиган ўйин ва машғулотларга барча даврларда эътибор катта бўлган. Шунингдек камондан отиш билан ҳарбийлар ёки овчилар шуғулланганлиги маълум. Бу юмуш уломоларга хос ихтисос бўлмаганлигини ҳам биламиз. Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларида камондан ўқ узиш хусусда ҳадис келтирилганлиги боис ҳадис



илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорий майдонга чиқиб, камондан отишни машқ қилади. Унинг бу соҳадаги маҳорати ошиб, нишонга беҳато урадиган даражага етади. Унинг котиби ал-Варроқ шундай ҳикоя қилади: “Ул тийрандозликка кўп чиқиб турарди. Ҳар доим мен анга ҳамроҳлик қилардим. Мен фақат икки мартагина у отгон ўқни нишонга тегмағонини биламен. Ўзга вақт ҳаммаси беҳато бўлгон эди”.

Камонни тортиш учун кучли мускуллар керак бўлади. Айниқса нишонга беҳато даражада уриш учун организмнинг барча мушаклари мутаносиб равишда чиниққан бўлиши даркор. Демак улуғларимиз дилларини ва таналарини пок сақлаш билан бирга жисмоний ҳолатларини ҳам юқори даражада ушлаб туришни билганлар, махсус машқларни бажарганлар деб айтишимиз мумкин.

Имом ал-Бухорийнинг мерганлик билан шуғулланганлиги тўғрисида яна бир ривоят бор. Унда айтилишича, Имом Бухорий бир сафар чоғида дарё бўйида камондан ота бошлаган. Унинг отган ўқи дарё кўпригининг устунига тегиб, устун ёрилиб кетади. Албатта бундан Имом Бухорий афсусланади ва кўприкни таъмирлашга ўзи бош бўлади.

Ушбу мавзунини ёритишга ундаган бир салбий ҳолатни келтиришни жоиз деб билдик. Бу ҳам бўлса, баъзи эътиқодли ёки ўзларини тақводор сановчи айрим юртдошларимиз фарзандларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига моънелик қилаётганининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Бу аслиятга зид тушунча. Ким фарзандини комил инсон бўлишини истамайди? Албатта барчамиз уларни баркамол бўлишларини, Ватан олдидаги бурчларини тўла-тўқис адо этишларини хоҳлаймиз. Ислому мўминларни диний ибодатларини тўқис адо этишга ундар экан, уларни жисмоний ва рухий жихатдан соғлом бўлишларини тақазо этади. Баркамол инсон ўз олдидаги ҳоҳ дунёвий бўлсин, ҳоҳ диний вазифаларини бажаришда муаммоларга дучор бўлмайди. Зеро, Имом Бухорий айтганидек: “Комил инсон оилага, фарзандга, мол-дунё ва она-Ватанга осонликча эришур”. Шундай экан, фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашда нафақат эътиқод, балки жисмоний комиллик амаллари муҳим эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Билкиз Аладдин. “Муҳаммад пайғамбар қиссаси”, “Ҳадислар”. Тошкент “КАМА-ЛАК” 1991й
2. Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий .”Имом ал-Бухорий”. Тошкент, 2008й. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
3. А.Абдуллаев. “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси”. Фарғона, 2017й.



YOSHLAR XALQIMIZ, DAVLATIMIZ KELAJAGI.

*Astanaqulova Shahriniso Suyunovna
Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumani
2-IDUMI amaliyotchi psixologi*

Annotatsiya: Yoshlar kuni bayrami O'zbekiston yoshlar ittifoqi tashkil etilgan kun bilan bevosita bog'liqdir. 2017 -yil 30 -iyun oyida poytaxtimizda o'tkazilgan O'zbekiston yoshlar ittifoqining ta'sis qurultoyida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 30- iyun kunini "Yoshlar kuni" deb e'lon qilgan edi. Unga ko'ra, "Yoshlar kuni" uchun poytaxtning har bir tumanida dastur ishlab chiqilgan bo'lib, shahar miqyosida onlayn shoular, onlayn konsertlar, sportchilar bilan suhbatlar mo'ljallagani, shuningdek, barcha tadbirlar karantin qoidalriga amal qilingan holda o'tkazilishi ma'lum qilindi.

Kalit so'zlar: Bayram kayfiyati kasalxonalar, harbiy qismlar, zavod-fabrikalar, davlat tashkilotlari, hatto jazoni ijro etish

"Yoshlar oyligi" doirasida 1-30-iyun kunlari poytaxtimizda 300dan ziyod tadbirlar bo'lib o'tib, yoshlarni internet orqali qamrab olindi.

Dasturga binoan, 30 yoshga to'lmagan muvaffaqiyatli insonlar bilan online suhbatlar o'tkazish, Yoshlar markazida "Bandlik markazi"ni tashkil qilish, ishsiz yoshlar bandligini ta'minlash maqsadida "Bo'sh ish o'rinlari" to'g'risida ijtimoiy tarmoqlar hamda rasmiy kanallar orqali «Mehnat yarmakalari»ni o'tkazish, tadbirkorlik obyektlariga onlayn sayohat kabi ko'plab loyihalarni amalga oshirish rejalashtirilgan.

Jumladan, imkoniyati cheklangan, ijtimoiy himoyaga muhtoj, ishsiz va uyushmagan yoshlar ishtirokida "Ochiq muloqat"lar, "Yoshlar O'zbekiston kelajagi" shiori ostida mehnat yarmakalari, mavsumiy ish bilan ta'minlash bozorlardagi yoshlar bilan uchrashuvlar bolib o'tdi. Ma'rifatparvar alloma Ishoqxon To'ra ibrat majmuasida sayohat, tengdosh tengdoshga tamoyili asosida "Do'stinga tuhfa" loyihasi, "Ekspress kutubxona" va kam ta'minlangan, moddiy yordamga ehtiyojmand oila farzandlariga sunnat to'ylarini o'tkazish kabi mazmunli va qiziqarli loyihalar o'tkazildi.

Darvoqe, ittifoq tarafidan "Yoshlar oyligi" mobaynida ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish borasida tadbirkorlik faoliyatini boshlash istagi bo'lgan yoshlarga imtiyozli kreditlarni ajrati berildi. Bundan tashqari, har bir sektorlarda "Yoshlar matbuoti" shoxobchalari va sport maydonchalarini tashkil etish vazifalari belgilab o'tildi. "Yoshlar oyligi" chin ma'noda yosh avlodni o'ylantirib kelayotgan ko'plab masalalar va muammolar yechimiga xizmat qiladigan, aksariyat savollarga amaliy javob beradigan, bir so'z bilan aytganda, yoshlarni ezgu maqsadlar yo'lida birlashtiradigan, ertamiz egalarining qalbida ishonch uyg'otadigan, eng muhimi, O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatiga ishonchini oshiradigan manfaatli va foydali tadbirlarga aylanmog'i lozimdir.

– Yoshlarning ijodini kuzatib boraman. Ularga aql o'rgatishni emas, to'g'ri yo'l ko'rsatishni o'zimizga burch deb bilaman. Biz bosib o'tgan dovonlar bilan, bugungi kuni bosib kelayotgan yoshlar orasida juda katta farq bor. Ilgari biror narsaning mohiyatini o'rganmoqchi bo'lsak, albatta, uni ko'rib, u haqida to'liqroq va batafsil ma'lumotlarga ega bo'lib, keyin yozar edik. Masalan, birgina intensiv bog' haqida tushunchaga ega bo'lish uchun, albatta, Botanika bog'iga borishimiz shart edi. Birgina intensiv bog' haqida ma'lumotga ega bo'lish uchun olim bilan uchrashishdan oldin internetning o'zidan javob olish mumkin. Hech qaerga bormasdan turib, ko'chatning qaerdan olib kelinishi, ekish usullari, parvarish shakllari, umuman, hammasi haqida batafsil ma'lumotlarga ega bo'lish imkoniyati bor. Darhaqiqat bugungi yoshlarga yaratilayotgan shart-sharoitlarga havas qilsa arziydi. Internet orqali jahonga chiqishayapti. Xorijda bilim olishga erishyapti. Turli tillarni o'rganishmoqda. Fan va sport olimpiadalarida jahon ahliga hayratlar ulashmoqdalar. Biz bundan juda xursandmiz. Yoshlar – mamlakatimiz kelajagi! G'ayratli yoshlarimizga ko'z tegmasin. Olloh har birini o'z panohida asrasin.

Avvalo Yoshlar kuni mamlakatdagi barcha yoshlar uchun chinakam bayramga aylanishi lozim. Faqat talabalar, o'quvchilar, Yoshlar ittifoqi faollari, «tanlanganlar» va «xoslar», poytaxt va katta shahar yoshlari bayramni nishonlab, qolganlar uni televizordan tomosha qilishi adolatdan emas. Bu kun mamlakatdagi har bir yoshning chinakam bayrami bo'lishi, hatto chet ellardagi o'zbek yoshlari ham ushbu sanani o'ziga xos bayram sifatida nishonlashlariga erishish kerak. Bayram kayfiyati kasalxonalar, harbiy qismlar, zavod-fabrikalar, davlat tashkilotlari, hatto jazoni ijro etish muassasalariga qadar kirib borishi kerak.

Albatta, bu juda katta, hattoki bajarish imkonsizdek tuyulgan talab bo'lishi mumkin. Ammo Yoshlar kunini nishonlashni istagan har bir yoshga imkoniyat, tanlash huquqi berilishi kerak.



Hech bo'lmasa onlayn tanlovlar, aksiyalar, fleshmoblar, televizion shoular, radio orqali tabrik va muloqotlar uyushtirish yo'li bilan ularni bayram tadbirlariga jalb qilish, faol yoshlarni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish mumkin.

Yoshlar kuni munosabati bilan shahar va qishloqlarda xayriya tadbirlarini o'tkazish mumkin. Masalan, tuman markazlarida maktab va kollej o'quvchilari tomonidan xayriya yarmarkalari va festivallarini tashkil qilib, barcha tushgan mablag'lar bolalar uylari, kasalxonalar, moddiy ahvoli og'ir oila farzandlari uchun yo'naltirilishi mumkin. Bunda avvalroqdan tadbir mazmun va mohiyatini targ'ib qilish, reklama va e'lon berish, bir so'z bilan aytganda, xayriya yarmarkasi piarini to'g'ri tashkil etish kerak. Va albatta, xayriya tadbiri davomida konsert dasturlari, shoular, diskotekalar uyushtirilsa, notiq, oratorlarning yaxshilikka undovchi nutqlari yangrab tursa, maqsadga muvofiq.

Yoshlar kuni munosabati bilan nogironligi bo'lgan yoshlarga sovg'alar, zarur jihozlar sovg'a qilinsa, mahalladoshlar, sinfdosh yoki kursdoshlar bemor, kasalxonadagi tengdoshlarini yo'qlasa, maqsadga muvofiq. Imkon qadar nogironligi bo'lganlar ham asosiy tadbirlarga taklif qilinishi, sog'lom tengdoshlari qatori ularda ishtirok etishi, o'z fikr-mulohazalarini bildirishi kerak. Zero nogironligi bo'lgan yoshlarning ijtimoiy hayotda o'z o'rnini topishi, jamiyat hayotiga aralashuvini uchun harakatlarni kuchaytirish vaqti keldi. Bayram tadbirlari, aksiya va festivallar esa bu jarayonga kirishishda muhim rol o'ynaydi, nazarimda.

Yoshlar kuni — faqat o'yin-kulgu, shodu xurramlik emas. Bu kun uchun muayyan mavzu tanlanishi, hukumat a'zolari, rasmiylar, xalqaro tashkilotlar vakillari, mutaxassislar va albatta yoshlar vakillari ishtirokida yoshlarga oid muammolar yuzasidan fikr-almashish, yechim va takliflar ishlab chiqilishi zarur. Masalan, yoshlarning huquqiy savodxonligi, bo'sh ish o'rinlarini yaratish va ularni qanday qilib topish bo'yicha yoshlar xabardorligini oshirish, yoshlarni chekish va ichkilikbozlikdan himoya qilish, yoshlar ishbilarmonligi kabi dolzarb masalalar yuqori darajada muhokama qilinishi lozim. Bu muhokamalar keyinchalik huquqiy hujjat, dastur, loyiha yoki yo'l xaritasi ko'rinishida hayotga tatbiq etilishi mumkin.

Bayram munosabati bilan yoshlar tashabbuslari, g'oya va takliflarini qabul qilish, ularga javob berish va reaksiya bildirishning jonli hamda samarali shakllarini ishlab chiqish mumkin. Har kim vaziyatni o'zgartirish huquqiga ega. Masalan, joylarda o'z tashabbusingni prezident, Yoshlar ittifoqi rahbari, vazir yoki biror taniqli ishbilarmonga yetkaz, degan shior ostida rahbarlarning virtual qabulxonasiga murojaat yo'llash uchun sharoitlar yaratilsa, ularga maslahat va yo'l-yo'riqlar berilsa. Chunki hamma yoshlar ham avvalo bunday imkoniyatlar mavjudligini, so'ngra ulardan foydalanishni bilaverishmaydi, ayrimlari esa istihola qiladi yoki jur'ati yetmaydi. Uning qalbida hech bo'lmasa o'z mahallasi, o'z oilasi farovonligi uchun xizmat qiluvchi g'oya, taklif yoki tashabbus bo'lishi mumkin.

Bayram haqiqiy bayramdek bo'lishi uchun barcha tadbirlar yakuniga yetganidan so'ng tungi vaqtda albatta mushakbozlik qilinishi kerak. Hech bo'lmasa poytaxt va barcha hududlar markazida mushak otilishi kutilgandan ham ko'proq yoshlar e'tiborini jalb qilishi mumkin.

Yoshlar xalqimiz, davlatimizning bebaho boyligi. Ular uchun barcha shart-sharoit yaratilgan.

O'zbekiston yoshlar ittifoqining tashkil etilishi mamlakatimizda mazkur yo'nalishda yangi tarixiy davrni boshladi. E'tiborli jihati shundaki, mazkur tuzilmaning davlat va jamiyat hayotidagi o'rni va nufuzini oshirish bo'yicha aniq tashkiliy mexanizmlar joriy etildi. Jumladan, Yoshlar ittifoqining raisi ayni vaqtda Prezidentimizning yoshlar siyosati bo'yicha Davlat maslahatchisi hamda Senat a'zosi bo'ldi.

“O'zbekiston Respublikasi yoshlari kunini belgilash to'g'risida”gi qonunning kuchga kirgani mamlakatimizda olib borilayotgan oqilona yoshlar siyosatining huquqiy ifodasi bo'ldi. 30-iyun – O'zbekiston Respublikasi yoshlari kuni etib belgilangani farzandlarimiz uchun o'ziga xos quvonchli bayram bo'lishi bilan birga ularni yangi, yuksak marralarga chorlovchi beqiyos rag'bat bo'lishiga shubha yo'q.

Davlatimiz rahbari yoshlar siyosatining o'ziga xos nozik jihatlari xususida to'xtalib, “...millionlab yoshlarning hayoti va kelajagiga bevosita daxldor bo'lgan o'zgarishlar har tomonlama chuqur o'ylab ish tutishni, yetti o'lchab, bir kesishni talab etadi”, deb ta'kidlagan edi. Shu ma'noda, yangi qonun jamiyatimiz va davlatimizning yoshlar siyosatidagi qat'iy irodasini namoyon etib, mazmun-mohiyati va ahamiyatiga ko'ra nafaqat mamlakatimiz yoshlari, balki butun xalqimiz manfaatlariga xizmat qiladi.



ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА.

*Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumani
XTB ga qarashli 2- IDUMI ning amaliyotchi
psixologi Astanaqulova Shahriniso Suyunovna.*

Аннотация: Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардим.

Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўриниши бўлмиш ҳасад тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан, муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади», деб айтилгани бежиз эмас.

Азал-азалдан очиқкўнгил, самимий ва меҳнатқаш, яхшиликни юксак қадрлайдиган халқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади. Лекин, минг афсуски, умр йўлларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидоийлик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, маънавий ҳаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат



ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу - сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар теварак-атрофимиздаги бирор-та кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга бошлашимиз керак.

Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдиғини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётгий бир ҳақиқатни яна бир бор такрорлашни зарур деб ҳисоблайман: агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди.

Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода - бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан кўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муammo тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгиласизга ҳаракат қилади.

Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўрқинч керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданга билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётгий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманлардан кўрқма - нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма - нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

Бу борадаги энг долзарб вазифамиз - юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.

Бунинг учун авваламбор тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши - жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Албатта, бу масала бўйича ижтимоий фанлар соҳасида маълум ишлар қилинмоқда, аммо ҳолисона айтадиган бўлсак, бу борада чоп этилган кўпчилик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, оммабоп адабиётларнинг ҳам, аксарият соҳа мутахассисларининг ҳам савияси талаб даражасида эмаслигини қайд этишга мажбурмиз. Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш вақти келди.



Ҳеч шубҳасиз, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янги маъно касб этиб бормоқда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янги мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас.

Бинобарин, буларнинг барчаси янги кадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган эркин фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор.

Бу борадаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан ана шу асосда аниқлаб олиши зарур.

Бу масала ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикр, баҳс-мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва бунга ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.

Бундай кенг қўламли ва ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда давлатимиз ва жамиятимиз ижтимоий фанлар соҳасида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлиари, турли ижтимоий марказлар, авваламбор, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ҳар томонлама асосланган чуқур тақлиф ва тавсияларни кутишга тўла ҳақлидир.

Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугаларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур.



«HAYOTNING O‘ZI TAQQAZO QILAYOTGAN INNOVATSION METODLAR».

*Islamova Gavharxon Ismailovna
Toshkent viloyati Chirchiq shahar
2-umumta’lim maktab
boshlang‘ich ta’lim o‘qituvchisi
Telefon:+998(91)7757415*

Annotatsiya: Shu kunlarda ta’limda innovatsion texnologiyalar va interfaol va metodlar haqidagi tasavvurlar barqaror va mukammal shaklga ega emasligini e’tirof etishimiz kerak. Biz bilamizki o‘qituvchining faoliyatida innovatsiyalar qanchalik ko‘p bo‘lsa, mazmun shunchalik oshadi. Har bir o‘qituvchi ta’limga individual tarzda yangilik kiritishi mumkin.

Shu sababli maqolam orqali hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirish, chinakam ma’rifatli va yuksak madaniyat egasi bo‘lish uzluksiz hayotiy ehtiyojimizga aylanishi kerakligidan dalolat berayotgani haqida va biz o‘qituvchilar o‘z ustimizda ishlamasak avvalgi o‘rgangan bilimlarimiz yetarli bo‘lmay qolishi yuzasidan o‘z mulohazalarimni bildirdim.

Aksariyat rahbarlar axborot texnologiyalaridan juda yiroqda-buni rost-ro‘y aytish kerak..... Qanchalik qiyin bo‘lmasin ,bu ishga bugun kirishmasak, keyin kech bo‘ladi”. Sh .M. Mirziyoev

Prezidentimiz Sh .M. Mirziyoev huddi bugungi kunlarni oldindan ko‘ra bilib 2020-yilni “Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb nomlagandek.

Bugungi masofadan ishlash, masofaviy ta’lim, onlayin dars kabi tushunchalarga ortiqcha ta’rif berishni hojati ham yo‘q.Zamon, vaziyat shuni taqozo qilyaptiki, insoniyat ushbu ilg‘or, ammo majburiy choraga ko‘nikib ham qoldi.Raqamli dunyoning mo‘jizasi uning asosiy unsuri bo‘lgan ushbu sohani koronavirus balosi tezlatib yubordi.Bu vaziyatdan tushunib yetdiki,insoniyat har narsaga tayyor turishi kerak ekan.”Boshga tushganni ko‘z ko‘radi” deganni ma’nosi shu bo‘lsa ,ne ajab?

Qadimda sharq donishmandlari aytganidek. “Eng katta boylik___bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros-bu yaxshi tarbiya,eng katta qashshoqlik—bu bilimsizlikdir” deb be’jiz aytishmagani hozirgi kunda o‘z isbotini topib turibdi.

Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirish, chinakam ma’rifatli va yuksak madaniyat egasi bo‘lish uzluksiz hayotiy ehtiyojimizga aylanishi kerakligidan dalolat beradi.Bugungi kunda axborot ko‘lami juda kengayib ketdi.Agar biz o‘qituvchilar o‘z ustimizda ishlamasak avvalgi o‘rgangan bilimlarimiz yetarli bo‘lmay qoldi.

Bularni kundalik hayotdagi keskin voqealar bilan bog‘lab o‘tsak, turli innovatsion texnologiyalardan foydalansakgina o‘quvchilarga zamon talabiga mos dars berishga erishish mumkinligiga ya’na bir bor iqror bo‘ldik.Innovatsion texnologiyalardan foydalanishda bizga quydagi bilimlarni bilishimiz taqazo etilad

___AKT bo‘yicha bilim,ko‘nikma va malakaga ega bo‘lishimiz.

___Dars jarayonida harakatli o‘yinlardan unumli foydalana bilishimiz.

___Imkon bo‘lsa darsni internet tarmog‘iga bog‘lab o‘ta bilishimiz.

___O‘z ustida tinmay ishlash, har soxaga oid yangiliklarni kuzatib borishimiz va hakoza....

Ta’limda innovatsion texnologiyalar va interfaol va metodlar haqidagi tasavvurlar barqaror va mukammal shaklga ega emasligini ham e’tirof etish kerak. Biz bilamizki o‘qituvchining faoliyatida innovatsiyalar qanchalik ko‘p bo‘lsa, mazmun shunchalik oshadi.Har bir o‘qituvchi ta’limga individual tarzda yangilik kiritishi mumkin.

Biz bilamizki oshpazlar bir xil masalliqdan osh pishiradi,lekin ba’zi mahoratli oshpazlar taomni o‘ta puxtalik bilan tayyorlab maqtovg’a sazovor bo‘ladi.

Bularni hammasiga oshpaz o‘zini kasbiy mahorati evaziga erishadi.Shuning uchun o‘qituvchi ham o‘z kasbiga puxta yondoshgan holda darslarni tashkil etsa bir umr hurmat-e’tiborda bo‘lishiga kafolat beradi.

Ayniqsa hozirgi kunda masofadan ta’lim ,mustaqil tayyorlanish uyda ham ta’lim muhitini yoshlarga yaratib berishdek biz kam hafsala bo‘lib kelgan narsalarga e’tibor berishda o‘ziga xos bong bo‘ldi .Chunki hozirgi holatda biz na faqat o‘quvchilarimizga ,balik ularning ota-onalariga ham har bir vaziyatda namuna bo‘lishimiz,internet tarmoqlaridan dars jarayonlarini



qanday kuzatib borish va farzandlariga qay yo'sinda yordam berishda qanday innovatsion texnologiyalardan o'rinli foydalanishlari yuzasidan ham tushuncha berib, bilmagan ota-onalarga amalda o'rgatishga to'g'ri kelib turibdi. Agar biz o'qituvchi sifatida bunday vaziyatlarda qanday yo'l tutishni bilmasak sharaflil nomimizga dog' tushurtirib qo'yishimiz mumkin ekanligini hayotni o'zi ko'rsatib turibdi. Biz ota-onalarga dars jarayonini tushunarli tarzda ,ko'plab innovatsion metodlardan foydalangan holda qiziqarli, o'yinlarga boy, bolalarni darsga qiziqтира oladigan, e'tiborini tortadigan tarzda olib borsakgina o'ylagan maqsadimizga erishimiz mumkinligini tushuntirib bera olsak o'quvchi va ota-ona e'tiboriga, hurmatiga sazovor bo'lamiz. Ularni o'ziga bo'lgan ishonchini mustahkamlashga erishyapmiz. Ota-onalar ham o'z o'rnida bizning yordamimiz orqali farzandini kamchilik va yutuqlarini o'zlar guvoh bo'lgan holda ko'rib, tushunib yetishiga ,uydagi muhit, ota-onani farzandiga bo'lgan mehri ,dars qilish jarayonida berilgan ozgina e'tibori farzandlarini dunyoqarashlarini tubdan o'zgartirib yuborishi mumkinligini , qanchalik bolalarga ta'sir etishini amalda isbotini ko'rsatib beryapmiz.

O'ylaymanki endi pandemiyadan keying davrda ortiqcha dabdabadan ko'r, farzandlariga komputer, uy darsxona jihozlari, kitoblar olib beradigan, farzandiga ilm olishiga sharoit yaratib beradigan ota-onalar bo'lishadi deb o'ylayman. Chunki bugungi kutilmagan vaziyatdan keyin aksariyat ota-onalar bolalari uchun uyda maxsus stol va stullar olib berish taraddudiga tushib qoldi. Bu biz o'qituvchilarni kasb mahoratimizga tayangan holda ota-onalar ongida shu kunni talabiga mos shakllanishida bir saboq bera oldik deb o'ylayman.

Xulosa qilib aytganda ,bugungi kunda innovatsion texnologiya –bu texnika yutuqlaridan foydalangan holda o'quvchilarga yangi bilim berishdan iboratdir. Zero o'tayotgan har bir daqiqada bizning zararimizga ishlashi mumkin emas. Dars qilish uchun bor imkoniyatdan maksimal darajada foydalana olsakgina shu kun talabiga javob bera oladigan o'qituvchilar qatoridan joy ola olamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Prezident nutqi. Oliy Majlis Murojatnomasidan. 2020 yil. 24.01.
2. Donolar bisotidan .2001 yil



VATAN FARZANLARI, YURTNING KELAJAGI.

*Jumanazarova Sayyora Ismoilovna
Xorazm viloyati
Xazorasp tumani 4-umumta'lim maktabi
Ingliz tili fani o'qituvchisi*

Annotatsiya: Vatan — inson uchun bebaho boylik. Vatanning borligi odamga beqiyos kuch-qudrat, g'ayrat-shijoat baxsh etadi. Men uyda ota-onamdan, buvim va buvamdand, kollejdagi ustozlarimdan hamda meni o'rab turuvchi ziyoli insonlardan Vatan haqida ko'p gaplarni eshitganman. Vatanparvar insonlar haqida film va spektakllar ko'rganman, kitoblar mutolaa qilganman. Ona yurt haqida she'rlar yod olganman, o'rtoqlarim bilan qo'shiqlar kuylab, rasmlar chizganman. Bu tuyg'u insonlarning qalbidan chuqur o'rin egallaydi. Shuning uchun ham inson borki, barchasi o'z vatanini sevib ardoqlaydi, uni hech qanday boylikka alishmaydi. Unga nisbatan biror-bir xavf tug'iladigan bo'lsa, yurtini himoya qilish uchun kurashga otlanadi.

Kalit so'zlar: Vatan, jasorat, kelajak va boshqalar.

E'tibor berib qaraganda, dunyodagi barcha mard va qahramon insonlar, avvalo, Vatanni sevgani uchun qalblarida Vatan tuyg'usi jo'sh urgani uchun ham botirlik ko'rsatib, nom qozonganlar. Shu tuyg'u bois, kishilar Vatan haqida kuylaydilar, yurtning taqdiriga kuyunadilar, uning ravnaqidan quvonadilar. Demak, ona yurt insonni o'z bag'rida voyaga yetkazibgina qolmay, unga eng muqaddas tuyg'ularni, eng go'zal taassurotlarni bag'ishlaydi.

O'zbekiston! Tuprog'i zar, hosili gavhar odamlari saxiy, bag'ri kengu mehri daryo, mehmon do'stu odamparvar, xush hulqu xushsuxon diyor! Butun olamni kezib chiqqanda, barcha ajoyibu g'aroyib, mo'jizakor joylarni tomosha qilganda O'zbekistonning kichik bir qishlog'idagi fayzu tarovatdan bahra olganday, lazzatlanganday bo'lmaydi. Dunyoning qay bir go'zal yurtiga bormang, dam o'tmay ona-yurt dilingizni o'rtab, o'ziga chorlay veradi. Bu tuyg'u kindik qoni tomgan muqaddas zaminga, uning betakror, mislsiz fazilatli odamlariga bo'lgan muhabbat kuchi, qudratidan bo'lsa kerak. Bu o'lkada kimlar yashab o'tmagan? O'zbek nomini ulug'lab, shon shuhratini olamga yoygan, o'z iqtidori, is'tedodi, san'atu talantidan olam ahlini bahramand etgan har-bir jabhaning yetuk namoyondalari ham bizning ajdodlarimizdir. Okean ortidagi mamlakatni birinchi bo'lib kashf etgan kim? Abu Rayhon Beruniydir. Ne-ne sarkardakar bilan ololmagan joylarni qalam kuchi bilan zabt etgan kim? Mir Alisher Navoiy! Tib ilmining asoschisichi? Abu Ali ibn Sino! Buyuk matematik Al-Xorazmiydek allomani kim voyaga yetkazgan O'zbekistonning zarrin tuprog'i! Mirzo Ulug'bek, Axmad Yassaviy, Al-Buxoriy, At-Termiziy... Ex-xe, sanab sanog'iga yetib bo'larkanmi bu donishmand ajdodlarimizni!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vatan/info/uz
2. Inson va qonun gazetasi/2011 yil



ИБТИДОЙ ДАВР САНЪАТИДА АЁЛ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Алимова Наргиза Рустам қизи
Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Телефон: +99899 468 29 50
alimovanargis0104@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада қадимги тош асридаги илк санъат намуналарида аёллар образининг акс эттирилиши, тош ҳайкалларнинг эстетик хусусиятлари ва санъат тарихидаги ўрни ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Аёл образи, “Палеолит даври Венералари”, Штадель ғори, “Шер бошли аёл” ҳайкалчаси, “Виллендорф Венераси”.

Санъат – инсоният тарихининг бир қисми ҳисобланади. У ўзида турли даврларда турли халқларнинг орзу-истакларини, интилишларини, маънавий эҳтиёжларини ва эстетик идеалларини, борлиқнинг ижтимоий онгдаги инъикосини акс эттиради. Тарихий нуқтаи назардан аёл образининг трансформацияга учраб боришини тадқиқ этиш учун умумий санъат тарихига мурожаат қилиш зарур. Чунки тарихий тараққиётнинг барча даврларида аёллар образининг санъат асарларида у ёки бу даражада акс эттирилганлигини гувоҳи бўламан. Хусусан, ибтидоий санъатда акс эттирилган аёллар образини палеолит даврининг маълум жиҳатларини ўзида жамлайди.

Ушбу тарихий давр ҳақида сўз кетганида унинг куйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш зарур:

- Маълумотлар нисбатан энг кам давр – бунинг асосий сабаби бизгача бу даврга оид фақатгина маълум моддий ашёлар (асосан тошдан ясалган меҳнат қуроллари) етиб келганлиги, узоқ тарихий геологик жараёнда инсонларнинг яшаш манзиллари турли тупроқ қатламлари тагида йўқолиб кетганлиги билан изоҳланади;

- Содда мифологик дунёқараш;
- Анонимлик;
- Ижтимоий ҳаётнинг асосан матриархат шакли мавжудлиги;

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бу даврда фақатгина аёлларнинг санъатда акс эттирилиши ҳақида эмас, умуман санъатнинг ўзи ҳақида фикр юритиш қийин, лекин археологик топилмаларга асосланиб баъзи хулосаларни қилишимиз мумкин. Бугунги кунга қадар энг қадимий санъат намунаси сифатида эътироф этилувчи ёдгорлик Германиянинг Штадель ғоридан топилган “Шер-одам” ҳисобланади. Ушбу ҳайкалнинг ёши тахминан 32-40 минг йилга тенг. Ва энг қизиғи ушбу ҳайкал баъзи тадқиқотчилар томонидан “Шер бошли аёл” сифатида талқин этилмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида ҳайкалдаги мода шер боши ва тананинг тузилиши кўрсатилмоқда. Бошқача айтганда тарихдаги ҳозирча биз билган энг қадимий артефакт, энг ибтидоий санъат асари аёл ва шер тасвирланган антропоморф мифологик жонзот ҳайкали бўлиб турибди. Бу эса санъатнинг пайдо бўлиши бевосита аёл образининг унда акс этиши билан чамбарчас равишда амалга ошганлигини тасдиқлайди.

Ибтидоий ҳайкалтарошлиқда асосан аёл қиёфаси акс эттирилиши, катта эҳтимол билан, матриархат бошқарув тизими билан боғлиқ. Қадимги тош даврига тегишли бўлган кўплаб тарихий артефактлар қаторида аёлларнинг жисмоний ҳолати тасвирланган кўплаб ҳайкалчалар ҳам мавжуд бўлиб, археологлар томонидан уларга “Палеолит даври Венералари” деган умумий ном берилган. Ушбу ном Қадимги Римда гўзаллик илоҳаси бўлган Венера номидан олинган. Бугунги кунда олимлар 20 га яқин шу турдаги ҳайкалчаларни топишган. “Виллендорф Венераси”, “Холе-Фельс Венераси”, “Леспюг Венераси”, “Мальта Венераси”, “Лоссель Венераси” ва бошқа ҳайкалчалар машҳур. Уларнинг ёши 40 мингдан 10 минг йилгача бўлиб, Пиреней яриморлидан Шарқий Сибиргача, Шимолий Африкадан Германиягача бўлган кенг географик майдондан топилган. Сўнги йилларда топилган ва ҳали тўлиқ ўрганилмаган баъзи артефактлар ҳам “Палеолит Венералари” (“Тан-Тан Венераси” – Марокашдан, “Берехат-Рам Венераси” – Яқин Шарқдан) сифатида талқин этилмоқда ва уларнинг ёши 500-230 минг йилга тенг.

“Палеолит даври Венералари”ни ташқи кўриниши бир-бирига ўхшаш. Уларнинг бар-



часида аёлнинг фарқли жисмоний белгилари бўрттириб кўрсатилган, кўкраклар, қорин, бўкса думалоқ шаклда тасвирланган. Оёқлар ва қўллар деярли йўқ. Ҳайкалчаларнинг бош қисмига ҳам катта эътибор қаратилмаган. Баъзи Ҳайкалчалар хомилатор аёлни акс эттирган. Бу Ҳайкаллар қандайдир диний мазмун касб этиб, ҳосилдорлик маъбудаси ёки Она маъбудани акс эттирган деган тахминлар ҳам мавжуд. Умуман олганда, уларда ибтидоий санъатнинг маълум қоидалари сезилиб турибди: кўкрак ва бўкса думалоқ, умумий Ҳайкалчалар ромб шаклида ясалган .

Энг машҳур “Палеолит даври Венералари”дан бири, “Шер бошли аёл” Ҳайкалидан тахминан 5 минг йил кейин ясалган (милоддан аввалги 29 минг йил) яна бир аёл тасвирланган ёдгорлик – 11 сантиметр узунликдаги Германиянинг Вилендорф шахридан топилган “Вилендорф Венераси” ёки “Палеолит Венераси” деб аталган Ҳайкалча эди. Ушбу Ҳайкалчада аёлнинг биологик кўриниши яққол акс эттирилган, кўкрак, бўкса айланаси, қорин қисми катта думалоқ шаклида тасвирланган, соч турмаги ёки бош кийимига ҳам алоҳида эътибор қаратилган . Баъзи тадқиқотчилар томонидан аёл Ҳайкалчасининг бундай кўринишда тасвирланиши матриархат давридаги аёлнинг кучини, ҳукмронлигини, насл давом эттиришини акс эттиради деб ҳисоблайди . Ушбу Ҳайкалча диний-мифологик образ бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бирқ, афсуски, ушбу фикрлар тасдиқловчи илмий маълумотлар етарли эмас.

Ибтидоий санъат намуналари сифатида бугунги кунга қадар асосан тасвирий санъатнинг ибтидоий турлари (рангтасвир, графика, Ҳайкалтарошлик) га тегишли бўлган ёдгорликлар етиб келган. Мусиқа, рақс ва ибтидоий кўшиқларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин ушбу рақснинг конкрет элементлари, мусиқа ёки кўшиқнинг айнан бирор қисми бизгача етиб келмаган. Шу билан биргаликда тасвирий санъатнинг илк намуналари каби мусиқа, рақс, оғзаки ижод намуналари ҳам диний мазмунни акс эттирганлиги ёки овнинг муваффақиятли бўлиши учун амалга оширилганлигини тахмин қилиш мумкин. Фаразимиз бўйича, ушбу шеъринг матнлар, маросим кўшиқлари, сахналаштирилган ритуалларда албатта уруғ бошлиғи бўлган аёл, аёл ва қайсидир Ҳайвон танаси уйғун ҳолда тасвирланган антропоморф мифологик образ ёки вафот этган қабила бошлиғи бўлган аёлга мурожаатлар, мақтовлар ва таъкидлар бўлган бўлиши керак. Бунда нисбатан содда дунёқараш эгаси бўлган ибтидоий инсонлар уларнинг рухий ва маънавий хусусиятлари билан бир қаторда жисмоний кўринишига ҳам эътибор беришган бўлишлари керак. Лекин, афсуски, ушбу қарашлар фақатгина илмий фаразлардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Yuval Noah Harari. ‘Sapiens: A Brief History of Humankind’. Harper (UK); 1st edition (February 10, 2015). page 26.
2. Duckeck, Jochen (10 December 2008). «Lionheaded Figurine». Archaeology. Retrieved 17 May 2009.
3. Karen Diane Jennett. Female Figurines of the Upper Paleolithic. (Honors Thesis). San Marcos, Texas. May 2008. 84 pages.
4. Soffer, O.; Adovasio, J. M.; Hyland, D. C. (Summer 2000). «The «Venus» Figurines: Textiles, Basketry, Gender, and Status in the Upper Paleolithic». Current Anthropology. 41 (4): 511–537.
5. В. А. Семенов. Первобытное искусство: Каменный век. Бронзовый век. — СПб.: Азбука-классика, 2008. — С. 53. — 592 с.
6. Абдуллаева Н.Д. “Санъат тарихи” (ўқув кўлланма). Тошкент – 2004. 9 бет.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА ТАРБИЯЛАШ

*Гайратова Турсуной Шухратовна
Хоразм вилояти Кушкунир тумани*

32-сон мактабнинг жисмоний тарбия фани уқитувчиси

Аннотация: Ушбу ақолада ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг методик имкониятлари назарий жиҳатдан ёртилган. Соғлом турмуш тарзи учун зарурий принциплар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: инсон ҳаёти, саломатлик, хавф, носоғлом, ўқувчи, ўқитувчи, омил

Инсон саломатлиги айниқса, ўсиб келаётган авлод соғлигини асраш ва уларни жисмонан бақувват, фавқулудда бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга тайёрлаш масаласи кишилиқ жамиятининг ҳар бир босқичида ўша давр эҳтиёжига кўра ўзига хос тарзда ёндошилиб, асрлар давомида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи ўта долзарб ва абадий муаммо сифатида ўрганилиб келинган.

Жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топиши мазкур жамият аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги кўникмалари даражаси билан боғлиқ. Фуқароларни, айниқса, умумий ўрта таълим муассасаларида ушбу мавзу юзасидан таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Чунончи, физиолог олим Б.Н.Чумаковнинг фикрича, ўқувчиларда қуйидаги кўникмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқлигини қайд этган ҳолда, спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш қоидалари, кун тартиби ҳамда психогигиена талабларига риоя қилиш, зарарли одатларга берилмаслик ва тўғри дам олиш ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқади.

Ўқувчи – ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўқитувчи кадрларни мазкур жараёнга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада педагог олим Т.Уматқулов малака ошириш жараёнида ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишга тайёрлашнинг педагогик асослари юзасидан тадқиқот ишини олиб борган ҳамда унинг натижаларига кўра қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган:- мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш;- ота-оналар ўртасида тиббий-гигиеник маданиятни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш;- ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни доимий назоратини ташкил этиш ва уларнинг жисмоний ҳамда руҳий ривожланишини кузатиб бориш ва ҳ.к

Турмуш тарзи маълум жамиятнинг тавсифи ҳамда унда кечаётган кўплаб ижтимоий жараёнлар моҳиятини ёритиб беради. Мавжуд турмуш тарзи ва аҳоли саломатлигини сақлаш ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуддир. Шу боис «соғлом турмуш тарзи» тушунчаси турмуш тарзи ва аҳоли саломатлигини сақлашга йўналтирилган фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг мужассамлашган ифодаси сифатида қўлланилади. Ушбу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, юқорида келтирилган таъриф «турмуш тарзи» тушунчасининг моҳиятини тўлақонли ифода этиш заруриятини туғдиради. Бизнинг назаримизда «Турмуш тарзи» тушунчаси ижтимоий тасаввур ёки қарашларни ифодаламай, аксинча, амалий хатти-ҳаракат ёки фаолият мазмунининг ёритилиши учун хизмат қилиши лозим. Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда уларнинг фаолиятига комплекс ёндашув; фанлараро алоқадорлик; таълим ва тарбия жараёнининг изчил, тизимли ва динамик кечиши; оила, таълим муассасаси, маҳалла, ижтимоий жамоатчилик, давлат ва жамият ҳамкорлиги; ўқувчиларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятларини инобатга олиш; демократик ва инсонпарварлик ғояларнинг уйғунлиги; миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги каби тамойилларга риоя қилиш лозимлиги қайд этилади.

Адабиётлар

1. Чумаков Б.Н. Валеология (курс лекции) Педагогическое общество России. М.: 1999. – 405 с.
2. Афанасьев Ю.А., Куликов Ю.А. Саломатлик алифбоси. - Т.: Ибн Сино. 1995. – 104 б.
3. Саломатлик: оммабоп медицина энциклопедияси. Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. 1985. – 560 б.



ТРАКТАТ АВИЦЕННЫ «О ЛЮБВИ» – УНИКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ

Юлдашева Дилрабо

Учитель школы № 50 Баяутского района

Номер телефона: +998998043069

Эралиева Нигора

Номер телефона: +998994411176

Библиотекарь школы №40 Баяутского района Сырдарьинской области

Аннотация: В этой статье затронуты темы философского характера такие как, становление человека на этапах суфизма, самоочищение человека.

Ключевые слова; мыслящее существо, Народная философия, эманация, новый источник знания, радость милосердия и умаления

Любовь – Чувство соответствующее отношениям общности и близости между людьми, основанным на их взаимной заинтересованности и склонности. В любви, как в истории жизни и мысли на земле появлялось нечто новое; оставаясь, по сути, собой, уникальным духовно-телесным совпадением двух личностей, она обогащалась новыми состояниями человеческой души -живой, ищущей, развивающейся. Когда три с половиной тысячи лет назад поэт-египтянин, чье имя не сохранилось, говорил о любимой: »Лучится ее добродетель, и светится кожа ее, ее взгляд упоителен, сладкоречивы уста.....», он открывал в ней возвышенно-нравственное существо, чье духовно-душевное совершенство нашло чудесное телесное воплощение. И это рождало в нем нечто абсолютно новое-- Нежность.

Человеческое сердце, подобно ребенку, делало открытие за открытием. Оно наслаждалось первыми этими озарениями, как наслаждался человек сиянием солнца. Человек учился видеть человека. Именно в любви открывалось великое «Ты», бесконечная ценность человеческой личности, радость растворения, радость милосердия и умаления себя ради того, кого любишь.

«Чем я старше становлюсь, ---написал в завещании Вивекананда 1900 году, ---тем глубже понимаю, что самое высшее существо-это человек. Деревья никогда не нарушают законов. Я никогда не видел корову, которая бы воровала, устрица никогда не лжет, но все они --не превосходят человека, ибо человеческая жизнь-это гигантское утверждение свободы и красоты. Только не надо человека сковывать. Позвольте ему мыслить. Вся слава человека в том, что он мыслящее существо..Любой самый последний человек поднимается с той ступени, где делал зло для удовольствия, на ступеньку, где будет делать для блага своего блага. Потом на ступеньку, где будет делать людям добро, себе не в ущерб. И поднимется еще выше и будет уже жизнь свою жертвовать для других, в ущерб себе.

Человечество пресытившись жестокостью, переосмыслив опыт первых мировых монархий, совершила великий качественный скачок к новым формам взаимоотношений народов между собой, взаимоотношений ЛЮБВИ. Народная философия, переработав откровения мира, стала как бы философской головой нового человечества. Народная философия существовала всегда как земля, на которой поднимаются разные травы- профессиональные философские школы. Народ-это гений, выше которого нет никого.

Трактат Ибн Сины « О любви»-уникальное произведение.

Здесь попытка дать стройную картину мира с позиций глубокого гуманизма: и природу, и человека Ибн Сина поднимает по ступенькам Иерархии к Богу, к единению с ним: Бога же заставляет спуститься вниз, то есть проявить себя (Через Любовь).

Во всех прежних работах главным у Ибн Сины была природа, а эманация представлялась в основном в своем движении сверху вниз. В этом же трактате все согрето человеком. Человек-венец и природы и Космоса. Он может и должен стоять встать рядом с Богом.

Новое в трактате и то, что впервые стройную картину мира Ибн Сина представляет не через эманацию, а через теофанию- проявление : Бог через Любовь к человеку проявляет свою великую красоту, человек же через любовь к красоте поднимается самосовершенствованием до единения с Богом.

Если трактаты, где главное у Ибн Сины -природа, поражают обаянием его могу-



чего естественнонаучного мышления ,свободно вплетаемого в мышление философское, то трактат «О любви», где главное -человек, поражает необычайной искренностью и красотой с которыми только и можно говорить о человеке, если его любишь. Влияние трактата огромно на последующие философию и искусство. Оно в философии Данте-«Божественная комедия»,в философии Шота Руставели----«Витязь в тигровой шкуре»,в последующей после Ибн Сины философской суфийской поэзии и поэзии трубадуров. Главная суть влияния –мысль об облагораживающей силе любви. Эта мысль впервые была «Непосредственно указана и объяснена Ибн Синой», - пишет известный немецкий ученый Г.Фон Грюнебаум.

Еще сильнее и ярче путь к совершенству осуществляется тогда ,считает Ибн Сина, когда в прекрасный образ любви по каким-то причинам недосыгаем, превращается в идеал, мечту.это----любовь Дон Кихота к Дульсинее,культ Прекрасной Дамы в поэзии трубадуров,любовь Данте к Беатриче,Таризеля к Нестан-Дареджан

Идея любви как никогда не осуществимого желания-чисто восточное понимание любви,когда она становится движущей силой самоочищения и восхождения души к Истине. Восточная любовь, - пишет Л. Масиньон, - изо всех сил борется с реальностью любви, старается все дальше и дальше от нее отойти, чтобы наслаждаться только воспоминаниями о ней. Воспоминания и мечты – главное в любви. Идеальное выражения такого Понимания любви в мусульманской литературе – Лайли ва Мажнун, Лайли подходит к безумно влюбленному в нее Мажнуну и говорит: «Пойдем, побудем наедине...» А Мажнун отвечает: «Уйди, не мешай мне думать о Лайли».

В конце концов любовь становится настолько нематериальной, что растворяется в Чистоте, ум, сгорающий в ВОСПОМИНАНИЯХ, сливается с Умом, и наступает безумие. Таким образом, любовь – не только суть мира, но и новый источник знания (как утверждает Ибн Сина в своем прекрасном трактате « О Любви») – источник мистического знания.

Список использованной литературы

1. Л, Г.Салдадзе «Авиценна» Ташкент 1985 г стр 400
2. В.Леви «Азбука для несовершеннолетних» Москва 2000г стр154
3. Краткий словарь философских терминов. Ташкент-2014г стр 67
4. «Ибн Сина» Страницы великой жизни Ташкент –2000г стр 45



УЗБЕКИСТАН- УДИВИТЕЛЬНАЯ СТРАНА

*Саидова Шоира Бахтияровна
Хорезмская область
Тупракалинский район Школа-19
Учитель русского языка и литературы*

Аннотация: Моя родина – Узбекистан, удивительная страна. Она древняя, как сама Земля, красивая, как тюльпан. Культура Узбекистана разнообразна, как узоры яркого ковра. Население нашей страны так же пестро по национальному составу, так же богато, как россыпи цветов на склонах узбекских гор или на равнинах.

Ключевые слова: Родина, развитие, традиции и другие

Природа Узбекистана сурова, немалую часть страны занимают пустыни и полупустыни. Поэтому характер жителей Узбекистана закаляется в таких условиях. Здесь люди издавна учились ценить самые простые вещи: источник воды, обыкновенное дерево, в тени которого можно спрятаться. Я не могу сказать, что Узбекистан – густонаселенная страна. Если сравнивать со многими странами Азии и Европы, то нас не так много. Однако именно наш Узбекистан может похвастаться самым большим населением в Средней Азии. Каких только интересных национальностей не проживает здесь. От узбеков и казахов, русских и украинцев, таджиков и каракалпаков до иранцев, корейцев, немцев, армян и чеченцев. Фактически, каждый человек в Узбекистане – уникальная личность с историей, непохожей на других. Общась с людьми разных культур, можно почерпнуть массу интересного: от рецептов вкуснейших блюд до знаний психологии разных народов. Издавна Узбекистан находился на Великом Шелковом пути, что соединял Европу и Азию. Здесь творились великие дела: караваны несли шедевры ремесел, остро необходимые товары, новинки науки и техники с одного континента на другой. В нашей стране есть немало городов, история которых насчитывает более тысячи лет, которые были центром средневековой науки. Еще воины Чингисхана сжигали их, а они до сих пор полны людей. Узбекистан стал мостиком между разными мирами.

Не зря наша страна всегда приветливо принимала приезжих, каким бы ветром – легким или жестоким – не заносило их в наши края. Сегодня Узбекистан – индустриальная страна, основное богатство которой – люди.

Список литературы:

1. <https://www.ycilka.com/>
2. Книга о развитие Узбекистана



УЗБЕКСКИЕ ТРАДИЦИИ

*Саодатова Зумрад Садыковна
Сурхандарьинская область
Джаркурганский район
школа №1, учитель истории*

Аннотация: Традиции и обычаи узбекского народа складывались веками. Они весьма самобытны, яркие и многообразны, восходят к разным эпохам и религиям.

Ключевые слова: Культура, традиции, обычаи, формирование и другие

Начало формирования культуры узбекского этноса относят к VI-VII векам до нашей эры, к тому времени, когда в долинах рек Амударья, Сырдарья и Зарафшан кочевые племена перешли к оседлому образу жизни и создали свои первые государства. Бывшие кочевники основали поселения и города, привезя с собой обычаи и традиции, основанные на древних культах предков. Территория нынешнего Узбекистана – Междуречье, частями входившее в состав ранних государств – Хорезма, Согдианы, Бактрии – стала базой для формирования культуры, впоследствии ставшей основой культуры узбекского народа.

На протяжении веков традиции и обычаи узбекского народа оставались почти неизменными, несмотря на стремление многочисленных захватчиков навязать чуждую иноземную культуру. Наибольшее влияние на формирование обычаев и традиций узбекского народа оказали арабы, распространившие религию ислам по всей территории Средней Азии. Традиции ислама тесно переплелись с доисламскими верованиями и традициями, с местной культурой, прочно закрепились в быту и сознании узбекского народа.

Вековые обычаи и традиции узбеков бережно хранятся и передаются из поколения в поколение. Как и у многих азиатских народов, большинство праздничных узбекских обычаев связано с главными семейными торжествами: свадьбой и рождением ребенка. С этими событиями связано множество обрядов и ритуалов, задействованы родители, дети, братья, сестры, близкие и дальние родственники и даже соседи и гости – каждому отведена своя роль. В основе узбекских традиций – гостеприимство, почитание старших и коллективизм, особенно ярко проявляемый в махаллях (узбекских кварталах) – хранительницах вековых национальных устоев.

Список литературы:

1. <https://www.advantour.com>
2. Ziyonet.uz
3. Наша цель: свободная и процветающая родина. Ташкент, 1994 г.



МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Алимов Сардор Комил ўғли
Ўзбекистон Миллий университети
Таянч докторанти (PhD)
Телефон: +99890 523 93 33
sardoralimov2507@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан глобал дунёнинг асосий феноменларидан бўлган глобал муаммолар ва аҳоли миграциянинг ўзаро боғлиқлиги, аҳоли миграциясининг фалсафий моҳияти, ижтимоий тараққиётда тутган ўрни ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Глобал муаммолар, демографик муаммо, аҳоли миграцияси, мигрант, пандемия.

Глобал дунё турли глобал тенденциялар қаторида глобал муаммолари билан ҳам намоён бўлиб бориши бугунги кунда сир эмас. Глобал муаммоларнинг кўплаб кўринишлари орасида шундай ўзига хос феномен мавжудки, биз уни ҳам ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг сабаби, ҳам глобал ресурс сифатида кўришимиз мумкин. Бу феномен – аҳоли миграцияси ҳисобланади.

Аҳоли миграцияси тушунчасига кўплаб таърифларни бериш мумкин. Қисқа ва энг содда тарзда тушунчага изоҳ берадиган бўлсак, аҳоли миграцияси инсонларнинг турли мақсадлар туфайли ўз яшаш жойларини ўзгартириши ҳисобланади. Миграцион жараёнлар инсоният популяциясидан бошлаб Homo Sapiens' нинг доимий ҳамроҳи. Илк цивилизациялар, давлатлар ва маъмурий бошқарув тизимлари вужудга келган даврлардаёқ миграцион жараёнлар баъзи давлатлардаги муаммоларнинг сабаби сифатида талқин қилиниб, ушбу жараённи чеклашга, тўхтатишга ҳаракат ҳам қилинган. Кўчманчи халқларнинг ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларга кириб келиши кўп ҳолатларда қуролли низоларга, ҳудуднинг таназзулига олиб келар эди. Айнан шу сабабдан турли империялар давлат чегараларида деворлар қурган, лекин бу жараённи деворлар билан тўхтатишнинг деярли иложи йўқ эди. Хўш, бугунги глобаллашган дунёда аҳоли миграцияси турли давлатлар, маъмурий тизимлар учун қай даражада хатарли ёки керакли? Миграцион жараёнлар замонавий глобал дунёнинг глобал муаммолари келиб чиқишига қанчалик даражада сабаб бўлмоқда?

Аввало, глобал муаммолар ва уларнинг хусусиятларига тўхталиб ўтсак. Глобал муаммолар – бу шундай муаммоларки, улар бутун инсониятнинг манфаатларига дахл қилади, унинг келажагига хавф солади ҳамда улар бутун халқаро ҳамжамиятнинг иштироки билангина ҳал этилиши мумкин.

Бугунги кунда замонавий глобал муаммолар ҳақида эшитмаган инсонни учратиш қийин. Албатта, ушбу муаммолар илгари ҳам мавжуд эди, аммо фақатгина XX асрдагина улар глобал муаммоларга айланди. Инсоният тарихидаги мавжуд бўлган олдинги муаммолардан ушбу муаммолар умумсайёравий характерга эга эканлиги ва антропоген омил таъсирида вужудга келганлиги билан фарқланади.

Глобал муаммолар тизимига қуйидаги муаммоларни киритишимиз мумкин:

- Уруш ва тинчлик муаммолари – ўтган асрдаги иккита жаҳон уруши, сиёсий кучларнинг икки ҳарбий лагерга бирлашиши натижасида пайдо бўлган “совуқ уруш” каби тенденциялар ҳозирги даврда ҳам ўз акс-садосини бериб турибди. Бугунги кунда ҳам қуролланиш ва ҳарбий харажатлар жаҳон иқтисодиётининг энг серчиқим соҳаси (йилига – 1,4 трлн. доллар) ҳисобланади;

- Экологик муаммолар – энг сертармоқли глобал муаммолардан ҳисобланади. Чучук сув етишмаслиги, дунё океанининг ифлосланиши, глобал иссиқ, ўрмонларнинг қисқариши, ҳавонинг ифлосланиши ва бошқа муаммолар шулар жумласидан. Ўз ўрнида бу муаммоларга демографик муаммолар, хусусан, аҳоли миграцияси ҳам маълум даражада сабаб бўлади;

- Энергетик ва ҳомашё муаммолари. Инсониятни энергетика ва ҳомашё ресурслари билан таъминлаш халқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар манбаига айланди. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади. Мазкур ресурслар тикланадиган, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, куёш энергияси ва бошқалар) ва миқдори мавжуд табиий захиралар билан чегараланган



тикланмайдиган ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади;

- Демографик муаммолар. Аҳоли сонининг кескин ортиши (баъзи давлатларда эса аксинча кескин камайиши) билан боғлиқ муаммолар ҳам глобал муаммолар қаторида. Ушбу муаммолар таълим, соғлиқни сақлаш, ишсизлик каби кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бу муаммоларга қуйида бафуржа тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз;

- Терроризм – XX асрнинг охиридан бошлаб терроризм ҳам глобаллашди. Энди у ҳудуд, миллат, эътиқодидан қатъий назар барча инсонлар учун глобал хавфга айланиб қолди. Ушбу тенденция глобаллашув туфайли вужудга келган “Учинчи дунё” мамлакатларидаги иқтисодий танглик, глобаллашувга нисбатан норозилик сифатида пайдо бўлган деган қарашлар ҳам мавжуд;

- Глобал юқумли касалликлар, пандемия ва бошқалар. Ушбу муаммо ҳам бугун бирор мамлакат доирасида чегараланиб қолмаябди. Энг ёрқин мисол Covid-19 пандемияси ҳисобланади. Масалан, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти бўйича 08.07.2020 ҳолатига кўра, дунё бўйича жами 11 669 259 кишида коронавирус қайд этилган ва 539 906 киши шу касаллик сабабли бевақт ҳаётдан кўз юмди. Касалликни турли минтақаларда бу даражада тез тарқалишида халқаро миграциянинг ҳам ўрни бор.

Юқорида санаб ўтилган глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши, авж олиши ёки тугатилишида аҳоли миграциясининг қанчалик ўрни бор? Аҳоли миграцияси ушбу муаммоларга бевосита ва билвосита таъсир этади. Асосий урғу глобал демографик муаммолар ва унинг ёндош муаммолари сифатида юзага келадиган кўплаб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларга бориб тақалади. Сайёра аҳолиси бугунги кунда 7,7 миллиард нафардан кўпроқ бўлиб, 2023 йилда 8 миллиард, 2037 йилда 9 миллиард, 2055 йилда эса 10 миллиард бўлиши тахмин қилинмоқда. Расмий мигрантларнинг сони эса 2019 йилда сайёра аҳолисининг 3,5 фоизи (271 миллион киши) ни ташкил этган. Нолегал мигрантларнинг сони ҳам бир неча миллионларга тенг. Бу мигрантларнинг барчаси иммигрант давлатнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаси учун босимга олиб келади. Янги иш ўринлари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига қўшимча босим, ксенофобия, ахлоқий ва психологик босим каби муаммолар демографик муаммоларнинг глобаллашишига олиб келяпти. Кейинги муаммо эса халқаро терроризм билан боғлиқ. Сир эмаски, “ИШИД”, “Ал-Қоида” каби халқаро террористик ташкилотларнинг аксарият жангарилари тарғиботлар натижасида дунёнинг турли минтақаларидан келган ноқонуний мигрантлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда эса, аҳоли миграцияси халқаро терроризм учун восита бўлиб қолмоқда.

Бошқа томондан эса, масаланинг иккинчи томонига ҳам эътибор қаратиш зарур. Аҳоли миграцияси инсониятнинг табиий эҳтиёжи. У туфайли маълум муаммолар ўз ечимини ҳам топиши мумкин. Масалан, аҳоли миграцияси иммигрант мамлакатларни арзон ишчи кучи билан, эмигрант давлатларни эса қўшимча даромад ресурси билан таъминлайди ҳамда ишсизлик муаммосини қисман ҳал қилади. Ёки мигрант ташриф буюрган ижтимоий ахлоқий муҳит барқарор, бағрикенг (толерант), байналминал бўлса, бу мигрант янги ахлоқий муҳит тез мослашиб кетиши, янги ахлоқий мезонларни ўзлаштириши, мигрантларнинг умумбашарий ахлоқий қадриятлар, норма ва прициплардан хабардорлик даражасини ошишига олиб келиши мумкин. Ўз ўрнида бу дунё бўйича халқаро ҳамкорликнинг таъминланишига ижобий ҳиссасини қўшади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, аҳоли миграцияси – бу замонавий дунёда фаол бўлган жараён, фаолиятнинг барча соҳаларига боғлиқ бўлган феномен. Бу эса унинг глобал муаммолар билан узвий боғлиқликда бўлишига олиб келади. Миграция ҳам муаммо, ҳам ресурс. Фақатгина ундан тўғри фойдалана олиш, онгли ва қонуний тартибда амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Chaichian, Mohammad. Empires and Walls: Globalisation, Migration, and Colonial Control, Leiden: Brill, 2014. 362 pages.

2. Аҳмедова М.А., Хан В.С., Алимова Д.А. ва б. Фалсафа: дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – 496 бет.



3. Куликов А. Современный международный терроризм - ответные меры // Глобальный терроризм и международная преступность : Материалы 4-го Всемирного антикриминального и антитеррористического форума. — Герцлия: Институт международной политики по борьбе с терроризмом, 2008. — С. 39.

4. Coronavirus disease (COVID-19). Situation Report – 170 WHO. 16 pages. (https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200708-covid-19-sitrep-170.pdf?sfvrsn=bca86036_2)

5. World Population Prospect: the 2019 Revision - United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (June 2019).

6. “World Migration Report 2018” (https://publications.iom.int/system/files/pdf/wmr_2018_en.pdf) (PDF). International Organization for Migration. p. 15. Retrieved 26 November 2019.



KITOB- MA'NAVIYAT XAZINASIDIR

*Xolmurodov Bahodir Samarqand
viloyati Jomboy tumani XTB ga qarashli
40-IDUM da Tarix fani o'qituvchisi.
Jomboy tumani XTB ga qarashli
18-maktab ona tili va adabiyot o'qituvchisi
Qodirova Shahodat*

Annotatsiya: Ushbu maqolada kitobxonlikni targ'ib qilish va mutolaa ma'daniyatini yuksaltirish g'oyasi ilgari surilgan. Badiiy asarni mutolaa qilish ahamiyat naqadar zarur ekanligi targ'ib qilinadi.

Kalit so'zlar: kitob, kitobxonlik, targ'ibot, vatan, yurt, kelajak, mamlakat, burch, ma'daniyat, ma'rifat, ma'naviyat, istiqloq, yoshlar, asar, oila, ilm, tadbir, tanlov.

Kitob mutolaasiga havas avvalo, oiladan boshlanishi, ota-onalar farzandlarida kitob o'qishga mehr uyg'otishi uchun o'zlari kitobxon bo'lishlari lozim.

Shavkat Mirziyoyev

Mustaqil va navqiron O'zbekistonimizga zukko, aqlli hamda fidoyi yoshlar yarashadi. Ona Vatanga, xalqqa muhabbat, Vatan taqdiri va kelajagi uchun ma'suliyat hissi esa, har bir yosh avlodga avvalo kitob orqali singdiriladi. Kitob- inson hayotini rang-barang qirralarini ochib beruvchi, o'quvchining qalbiga oilaga, vatanga bo'lgan mehrni olib kiruvchi bebaho kuchdir. O'sib kelayotgan har bir yosh avlodga porloq kelajak uchun eng to'g'ri va munosib yo'lni tanlashga yordam beruvchi, biz yoshlarni ma'naviy va ma'daniy dunyomizni boyitishga xizmat qiluvchi, katta-katta orzu maqsadlarga yetaklovchi do'st bu albatta kitobdir. Insoniyat yaratgan mo'jizalar ichida eng buyugi bu-kitob. Kunlardan bir kuni Luqmoni Hakimdan: "Shuncha ilmni qanday to'pladingiz", deb so'rashibdi. Shunda donishmand: "Kitob o'qiyotgan paytlarimda yondirgan chiroq moyini hisoblang, uning qiymati yeb-ichgan narsalarimdan ko'proqdir", deb javob bergan ekan. Agar biz hayot yo'limizda kitob bilan oshno bo'lsak o'ylaymanki hech ham qoqilmaymiz. Hayot haqidagi keng qamrovli fikrlar va haqiqatlarning bari kitoblarda jamlangan. Hayot sur'atlari nihoyatda tezlashib borayotgan bir paytda bizga kitob har qachongidan kerak va zarur. Ze'roki kitob bizga hayotni, yashashni, qanday yo'l tutishni, qaysi yo'ldan borishni o'rgatadi. Bejizga sohibqiron bobomiz A. Temur Kitob barcha bunyodkorlik, yaratuvchanlik va aql idrokning, ilm donishning asosidir, hayotni o'rgatuvchi murabbiydir" deb yozmagan. Asrlar, vaqtlar o'tsa hamki kitobni ahamiyati yo'qolmagan. Faqat kitobxon yoshlar kamayib ketgan. Kitob o'qish ma'daniyati pasayib, sustlashib qolgan. Kitobni avvalo hayotiy maktab, eng yaxshi ustoz ekanligini, jamiyatimiz shuuriga singdirishimiz lozim. Bu borada yurtimizda ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Barkamol shaxsni tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega bo'lgan, eng yaxshi yo'l bu-badiiy va ilmiy kitob mutolaa qilish ekanligini hech birimiz unutmasligimiz kerak. Kitobxonlikni targ'ib qilishga, mutolaa ma'daniyatini rivojlantirishga yosh-u katta barchamiz birdek ma'sulmiz. Oilada otalarimiz badiiy kitob o'qisa, onalarimiz ibratli asarlar mutolaa qilsa, bolalarda kitobga mehr- muhabbat ortadi. Kitoblarni tanlaganda ham o'quvchining yoshiga, saviyasiga qarab tanlash kitobxonlik ma'daniyatini yuksaltiradi.

Bundan tashqari, mamlakatimiz bo'ylab "Yosh kitobxon bola", "Eng faol kitobxon guruh", "Oilaviy kitobxonlik" va shunga o'xshash bir qancha tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bularning barchasi ma'daniyatimiz va ma'rifatimizni yuksaltirishga qaratilgan ishlardir. Bu jarayonlar yurtboshimizning quydagi fikrlarida ham sezilib turadi: "Ayni paytda, axborot-kommunikatsiya sohasidagi oxirgi yutuqlarni o'zlashtirish bilan birga, yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirishga, ularni kitob bilan do'st bo'lishga, aholining kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Buning uchun, avvalo, milliy adabiyotimiz va jahon adabiyotining eng sara namunalarini ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish va ularni keng targ'ib qilishga alohida e'tibor berishimiz muhim ahamiyat kasb etadi". Xulosa qilib aytganda, biz kitobxonlikni har sohada rivojlantirmog'imiz kerak. Siyosat bo'ladimi, iqtisod bo'ladimi barchasida,



avvalo, kitob bizga eng yaqin hamroh. Kitobxonlikni yana va yana rivojlantirish biz yoshlarning asosiy burchimiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. Shavkat Mirziyoyev “Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” Toshkent 2016-yil 14-bet.
2. www.ziyonet.uz
3. Ahmad Lutfiy Qozonchi „So‘nggi to‘fon”.



МАКТАБДА О'QUVCHI YOSHLARGA MILLIY URF-ODATLARIMIZ VA QADRIYATLARIMIZNI SINGDIRISH.

*Коракалпогистон Республикаси Кунгурот тумани
14 сон умумий урта таълим мактаби тарих
фани уқитувчиси Сабилов Тулибай
998906461442*

Аннотатсия: Bugungi kunda mamlakatimizda yoshlarning manfaatlarini to'liq ta'minlashga yo'naltirilgan, ularning jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishini kafolatlashga xizmat qiladigan huquqiy hamda ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tizimli tarzda amalga oshirilmoqda. Amaliy ishlar doirasida o'quvchi yoshlarni hayotga vatanparvarlik ruhida, mentalitetimizga yot bo'lgan zararli oqimlarga qarshi tura oladigan, milliy qadriyatlar, hamda umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash masalalari bilan bog'liq chora-tadbirlar o'z samarasini berib kelmoqda. Oquvchi yoshlarni axborot hurujlari va ma'naviy tahdidlardan asrash – yuksak ma'naviyatli avlodni tarbiyalashning muhim omilidir.

Калит so'zlar: sinab, turmushlarida qo'llab, sinovdan o'tkazib, bugungi kunda biz yoshlarga meros qilib qoldirganlar.

Yurtboshimiz ta'kidlaganidek, oquvchi yoshlarga, yosh avlodga va ularning kelajagiga alohida e'tibor qaratish kerak. Bugungi kunda internet balosiga aylangan g'oyaviy hujumlardan o'quvchi yoshlarni himoya qilish uchun, ularda o'sha hujumlarga qarshi tura oladigan immunitetni shakllantirish lozim. Buning yo'li esa bitta, u ham bo'lsa o'quvchi yoshlarni milliy qadriyatlarimiz, milliy urf-odatlarimiz va muqaddas dinimiz ta'limoti asosida tarbiyalash lozim.

Xalqimizning asrlar davomida yaratgan oltin xazinasini milliy urf-odatlarimizni qayta tiklash va o'quvchi yoshlar ongiga singdirish bugungi kunning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Ajdodlarimiz qoldirgan ma'naviyat xazinasidan ko'zimizni ochib, o'sib kelayotgan, umid bilan kamol topayotgan o'quvchi yoshlarimizga o'rgatib borishimiz kerak.

Ma'naviyat, mafkura, an'ana olmosdek serqirra va serjilodir. Uning asl mazmuni, ma'nosi, ildizi bir joyga, inson odob – ahloqiga borib taqaladi. Odob esa inson ko'rki, bezagi uning buyuk kamolidir. Biz an'analarimiz, urf-odatlarimizni keng targ'ib qilish imkoniyatiga ega bo'lgan qutlug' zamonda yashayapmiz. Uning asl tarixini, yaratilishini o'quvchi yoshlarga to'liq va tushunarli tushuntirish kerak. O'zbekiston mustaqillikka erishgandan boshlab milliy qadriyatlarimiz xalqqa qaytgan bir davrda milliy urf-odatlarimizning tiklanishini istiqlolimizning buyuk ne'mati ekanligini anglashimiz zarur. Chunki milliy urf-odatlarimiz, qadriyatlarimiz negizidir.

Har bir millat o'zining tili, urf-odati, an'anasi, madaniyati, tarixi bilan millat hisoblanadi. Maktabda o'quvchi yoshlarga urf-odatda insonning chin inson bo'lib yashamogi uchun barcha sohalar keng qamrab olingan, unda turmush tarzi, yashash odobi, muomala madaniyati, ota-onaga hurmat va hokazolarda o'z aksini topishini singdirib borish kerak. Urf-odatlar to'yaqingacha o'z davrining qonuni vazifasini bajargan. Shuning uchun ham fransuz olimi J. Jumber "yaxshi qonunlar urf-odatlardan tug'iladi" deb bejiz aytmagan. Sohibqiron Amir Temur bobomiz ham o'z hukmronligi davrida urf-odatlarga rioya qilishini qattiq talab qilgan, uni buzgan, bo'ysinmagan kishilarni esa jazolagan.

Xalqimizning umri boqiy an'analarini o'zida mujassam etgan milliy urf-odatlarimizni asrab avaylash har bir yosh avlodning burchi deb o'ylayman. Ularni ota-bobolarimiz asrlar davomida o'z hayotlarida sinab, turmushlarida qo'llab, sinovdan o'tkazib, bugungi kunda biz yoshlarga meros qilib qoldirganlar. Demak o'quvchi yoshlar qalbida ma'naviyat qanchalik yuksak bo'lsa, yovuzlik, xudbinlik, loqaydlik kabi salbiy illatlar shunchalik barham topadi, bular o'quvchi yoshlarimiz ongida vatanparvarlik, bunyodkorlik tuyg'ularini yuksaltiradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ularning merosxo'ri sifatida biz yoshlar ular tomonidan kashf etilgan milliy, ma'rifiy, madaniy urf-odatlarni avaylab asrab, o'quvchi yoshlarga mukammal ravishda singdirib borishimiz lozi



ILM-MA'RIFATNING BUGUNGI KUNDAGI O'RNI

*Qashqadaryo viloyati Qamashi shahar
63-umumiy o'rta ta'lim maktabi
O'.I.B.D.O' Uzoqova Feruza Oqbo'tayevna
Tel:+998906096122*

Аннотация: Biz bilamizki komillikning asosi – ilm! Komil inson tarbiyasi hamma davrlarda muhim ijtimoiy vazifa hisoblanib, yaxshi tarbiya ko'rgan insonga jamiyat boyligi, deb qaralgan. Inson ziynati u egallagan bilimlari bilan o'lgangan. Islom dini ta'limotida bilimli insonlar yetuk komil inson hisoblangan. Mutaffakirlarimiz qarashlarida komil inson bo'lishi uchun ko'pgina xususiyatlarini egallash lozimligi o'z aksini topganini ko'rishimiz mumkin .

Husan Voiz Koshifiyga ko'ra: - "Insonning ta'lim tarbiya orqali: qayta - qayta tarbiyalash, aqliy qobiliyatini o'stirish mumkin" - u o'zining pedagogik qarashlarida bolalarda mustaqil fikrlash qobiliyatini o'stirish masalasiga alohida e'tibor beradi.

Калит сўзлар: Ta'lim tarbiya, ma'naviyat, yuksalish va boshqalar

Birinchi Prezidenti Islom Karimovning ma'naviyatni yuksaltirishda sharq allomalarning tutgan bebaho o'rnini juda qadrlagan, allomalarning yozgan asarlarni oltindan qimmatligini va ularni amalga oshirgan kashfiyotlari zamonaviy ilm-fan va taraqqiyot uchun naqadar dolzarb va zarur ekanligini ochib berishining ahamiyati shunchalik muhim deb hisoblaydi. Va shu o'rinda shuni takidlab o'tish ham kerakki, yuqorida ko'rilgan kashfiyotlar, yozilgan asarlar hamma hammasi bu bizning yoki bo'lmasa jahon ravnaqi osudaligi yo'lida qilinga ishlar sirasiga kiradi. Birinchi yurt boshimiz shunday jabhalarni nazarda tutib aytgan ta'lim , madaniyat va ilm-fan bularning hammasi bizda bo'layotgan tibbiyot, san'at va arxitektura sohalarida beqiyos yuksalishlar, va boshqa jabhalarning ko'zda tutilishi bu avvalom bir nisbiy barqarorlikning ta'minlanishi bilan bevosita bog'liq bo'lgan deb hisoblaydi.

Bir so'z bilan aytganda ilm-fan , madaniyat , marifat bularning hammasi bugun va erta uchun qilinayotgan zamin desak yanglishmaymiz, negaki, Amir Temur takidlaganidek " Hech qachon marifatli, ilmli insondan buzg'unchi, yurtni vayron qiluvchi kimsalar yetishib chiqmaydi " degan edi.

Bu borada muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ham o'zining fikrlarini bildiradi va bugungi kunda xalqning va biz yoshlarning ma'naviyatini yuksaltirishda ilgari surilgan tashabbuslar, qilinayotgan islohotlar hammasi siz yoshlar va kelajagimiz uchun deya takidlaydi va buning uchun bizdan faqat oldinga harakat qilishimizni, yurt uchun, kelajak uchun intilishni maqsad qilishimizni uqtiradilar. Negaki xalqi, yoshlari ilmli, ziyoli yurt hech qachon rivojlanishdan, o'sishdan to'xtamaydi va boshqa yomon illatlarning yurtga raxna solishiga yo'l qo'ymaydi deb takidlaydilar.

Va shu bilan birgalikda, o'zining murojaatnomasida ham biz yoshlarga qarata o'z fikrlari va talablarini bildirib o'tdilar. Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerak: oldimizda uzoq va mashaqqatli yo'l turibdi. Barchasi jiplashib , tinimsiz o'qib-o'rgansak , ishimiz , ishimizni mukammal va unumli bajarsak , zamonaviy bilimlarni egallab, o'zimizni ayamadan oldinga intilsak, albatta hayotimiz va jamiyatimiz o'zgaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abu Nasr Forobiy: "Fozil odamlar shahri"-Toshkent., Yangi asr avlodi. 266-267-betlar.
2. Maqola.uz

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(2-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.07.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000